O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 20-noyabr, chorshanba ✵ № 47 (851) ✵ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✵ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✵ www.uzhurriyat.uz

### ЯПОНИЯДА РОБОТ ҲАМКОР ЯРАТИЛДИ

PaPeRoнинг битта фарқли жиҳати, у мустақил ҳаракатлана олмайди. Шунга қарамасдан, одамларни юзидан ва овозидан таний олади. У микрофон, камера ҳамда ҳарорат ва масофани аниқловчи ускуналар билан жиҳозланган.



➩ 5-бет

### ЕТТИ ЙЎЛАК

Бу йўлакларнинг ҳаммаси улкан дарёга туташ. Бу йўлда ажойиб бир шиорга кўзингиз тушади, у барча яхши талабалар дилидаги гапнинг ўзгинаси: "Озод ва обод ватанга сидқидилдан хизмат қиламиз".



➩ 6-бет

### ОЖИЗНИНГ «КЎЗИ»

Шу сабаб кўзи ожизларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишига имкон бераётган бетакрор ёрдамчи бўлмиш ҳассани кўплар "ожизнинг кўзи" деб ҳам аташади. Аслида кўзи ожиз учун у кўриш муаммосининг бор-йўғи бир қисминигина ҳал қилади.



➩ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✵ **13 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди. Учрашувда маданий-гуманитар ҳамкорликка оид масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.**

✵ 13 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Тадбир икки мамлакат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

✵ **14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқлашди ва тегишли қарор қабул қилишди.**

✵ Буюк Британияда нашр этиладиган "Дипломат" журналининг ноябрь ойидаги сонида "Ўзбекистон – Янги Осиё чорраҳаси" номли мақолалар туркуми эълон қилинди. Мақолаларда Ўзбекистон – Буюк Британия муносабатлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётидаги тараққиётнинг ўсувчанлик суръатлари, юртимиз транспорт дастурларининг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги хусусида атрофлича фикр юритилган.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан**




## Ҳуқуқий маданият – юксалиш омили

Эркин ва фаровон ҳаёт кечириш инсониятнинг азалий орзуси. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқи учун курашдан толмаган халқгина мақсад-муддаосига эриша олгани тарихдан маълум.

Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган миллий истиқлол ғояси озод ва обод Ватан, эркин, фаровон ҳаёт барпо этиш эканини алоҳида эътироф этиш зарур. Унда халқимизнинг азалий орзу-умидлари, эзгу интилишлари ҳамда келгусидаги бунёдкорлик фаолиятининг асосий мақсадлари ўз мужассамини топган.

Бу ғоя шунингдек, қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик, турли миллат вакилларига ҳурмат, диний бағрикенглик, дунё мамлакатлари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш каби умумбашарий қадриятларга ҳам асослангандир.

2 ➤➤

**Маҳалла институти**

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИДА

### ишчи гуруҳларининг ўрни

**Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади.**

Конституциямизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга экани ва бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ҳамда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган. Шу нуқтаи назардан фуқаролар йиғинлари раислари, унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳам фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги муҳим ҳуқуқларидан биридир.

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловлари жараёнини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

3 ➤➤



ОБУНА – 2014

**Қадрли юртдошлар!**

**Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси – маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2014 йил учун обуна давом этмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!**

***Эслатиб ўтамиз:***
**"HURRIYAT"*нинг нашр индекси – 233***



**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ**

## ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

### Тошкентда 19 ноябрь куни Ўзбекистон матбуоти III Миллий форуми бўлиб ўтди

**Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрнини оширишга бағишланган ушбу анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Миллий демократик институт (АҚШ), ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Форумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, экспертлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзоҳидов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат, ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда соҳага оид иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг мамлакат тараққиётидаги ўрнини тобора мустаҳкамлаш, изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришаётган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказишга хизмат қилмоқда.

2 ➤➤

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИДА

## ишчи гуруҳларининг ўрни

(Бошланиши 1-бетда.)




Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ўтказишда кўмаклашувчи комиссияларнинг, ишчи гуруҳларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда Қонунда мазкур органлар фаолиятини тартибга солувчи қатор нормалар белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, Қонунда кўмаклашувчи комиссияларнинг ва ишчи гуруҳларнинг фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга оид ваколатлари тизимли ва ўзаро узвий боғлиқликда белгиланганини кузатиш мумкин. Хусусан, 11-моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари(оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари(оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилиши тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган.

Мазкур Қонуннинг 12-моддасига кўра, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар кенгаши қарори билан кўмаклашувчи комиссиялар тузилади.

Шу ўринда мазкур комиссияларнинг ваколат муддатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўмаклашувчи комиссиялари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилади. Туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари навбатдаги сайлов эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тўхтатади. Туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятининг навбатдаги сайлов эълон қилингунига қадар давом этишининг аҳамияти улар фуқаролар йиғинлари раислари ва унинг маслаҳатчилари лавозимлари бўшаб қолган ҳолларда ўз вақтида ушбу лавозимларга сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга оид вазифаларни бажаришлари билан боғлиқлигидадир.

Қонуннинг 12- ҳамда 14-моддаларида кимлар кўмаклашувчи комиссия ёки ишчи гуруҳ таркибига киритилмаслиги борасида ҳам талаблар белгиланган. Унда жумладан, фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўмаклашувчи комиссияга ёки ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда улар кўмаклашувчи комиссия ёки ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилиши белгиланган.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг самараси ишчи гуруҳларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки айнан ишчи гуруҳлар фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда аҳолига энг яқин ташкилий тузилма сифатида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларнинг ўтказилишини таъминлайди.

Қонуннинг 14-моддасида ишчи гуруҳлар таркиби борасида ҳам талаблар акс эттирилган бўлиб, қоида тариқасида фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) кенгашининг депутати киритилади. Айнан ишчи гуруҳ таркибига халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) кенгаши депутатининг киритилиши моҳиятан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига ўтказиладиган сайловнинг салоҳиятини ошириш билан бир қаторда ҳам номзодларнинг, ҳам овоз берувчиларнинг масъулият билан иштирок этишларини таъминлайди. Ишчи гуруҳларнинг ваколат муддати туман, шаҳар кўмаклашувчи комиссиялари каби навбатдаги сайлов эълон қилингунига қадар давом этади.

Ишчи гуруҳнинг тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаши, кўмаклашувчи комиссияларнинг, ишчи гуруҳларнинг фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориши, фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш, ўтказишга доир фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига оид ваколатларнинг қонун билан белгиланиши миллий қонунчилигимизнинг демократик тамойилларга мос ғоят муҳим ютуқларидан, десак муболаға бўлмайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ваколатларини, улар томонидан амалга ошириладиган вазифалар мажмуасини таҳлил этар эканмиз, энг аввало, унинг бир мақсадга, яъни фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига энг муносиб номзодлар сайланишига эришилишига қаратилганига гувоҳ бўламиз. Зеро, энг муносиб фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчиларигина "Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устувор вазифа — маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби вазифаларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қиладилар.

**Мухтабар ХУСАНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди**

---

Орамиздаги одамлар

# КЕРАКЛИЛИК САОДАТИ



Атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг шундай сатрлари бор:

*Азиз асримизнинг азиз онлари,*
*Азиз одамлардан сўрайди қадрин.*
*Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрларла,*
*Безамоқ чоғидир умр дафтарин.*

Ушбу сатрлар соат милларига чирмашиб олганча тобора илдамлаб бораётган вақтга, аслида эса дақиқа сайин ўтмишга айланиб бораётган умрга ишоратдир. Дарҳақиқат, ўтаётган умр ҳар биримиз учун ғоятда қадрлики, унинг ҳар бир саҳифасини эзгу ишлар, амаллар билан безамоғимиз жоиз. Мабодо, бунинг уддасидан чиқолсак, жамиятда ўз ўрнимизга эга бўла оламиз.

Умрини илм олиш ва илм беришдек хайрли юмушга бахш этган инсонларни том маънода кўнгилга яхшилик уруғин сочгувчилар, десак муболаға қилмаймиз. Фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Норқулов ҳам шундай инсонлар сирасига киради. У ўзининг илмий фаолиятини инсон ҳаёти моҳиятини англашга бағишлади.

Бинобарин, у 2000 йилда ёқлаган "Вақт — жамият маданий-маънавий ривожланишининг омили" мавзуидаги докторлик диссертациясида вақтни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан теран ўрганди. Илмий ишда инсоннинг вақтга нисбатан муносабатини турли ракурс ва нуқтаи назарларда атрофлича изоҳлаб берди.

Сир эмаски, илм йўлидан бориш, уни касб-корга, ҳаётининг ажралмас бўлагига айлантириш — машаққатли ва айни пайтда жуда шарафли вазифа. Буни бутун вужуди, қалби билан ҳис қилган одамгина унга садоқатли бўла олади. Қирқ йил муқаддам илмий-педагогик фаолиятини бошлаган Д.Норқулов ҳам етук олим сифатида ана шу бахни юракдан ҳис қилмоқда. Албатта, бунда унинг бой тажрибаси, юксак илмий салоҳияти муҳим ўрин тутаяпти. Аҳли донишлардан бири "Билмаган нарсаларимни оёғим остига қўйганимда бошим кўкка тегарди", деган экан. Дўстмурод Норқулов замон билан ҳамнафасликда қадам ташлаяпти — ўқияпти, изланяпти. Аниқроғи, у ҳозирги кунда Тошкент Тиббиёт академияси ижтимоий фанлар кафедраси мудири лавозимида фаолият юритмоқда. Олимнинг кўплаб асарлари, дарсликлари, турли мавзулардаги долзарб мақолалари ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида комил инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Самарали меҳнати билан илм аҳли эътирофига сазовор бўлган олим кўплаб шогирдлар тарбиялаш билан бирга долзарб мавзуларда илмий изланишларини давом эттирмоқда. Бу эса устознинг эл-юрт олдидаги қадр-қимматини янада улуғлайди, унинг ибратли ҳаёти ўз атрофидаги инсонларга, жамиятга керакли бўлиб яшашнинг ўзи катта бахт эканини эслатиб туради.

**Алишер РАЗЗОҚОВ**

---

Бағрикенглик

# ҚЎРҚМАНГ, фақат эҳтиёт бўлинг!

Бундан бир йил муқаддам ОИТСга қарши кураш мавзуига бағишланган семинар-тренингда иштирок этгандим. Ўшанда мутахассислар ушбу касаллик ҳақида атрофлича маълумотлар беришганди. Семинарнинг сўнгги кунида ОИТСга чалинган бир инсонни суҳбатга таклиф этишди. Тушликда ўша одам билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Негадир атрофдагиларнинг иштаҳаси йўқдай, бирин-кетин тортилаётган таомларга кўпчилик қўл ҳам теккизмади...

Уйга келиб, узоқ ўйладим: «Биздек зиёли қатлам вакиллари бу ҳолатни ҳазм қила олишмади. Бошқаларчи? Ахир кўпчилик ОИТС юқумли касаллик эканини билади-ку». Ўшанда мазкур касаллик хусусида мутахассис билан суҳбатлашишни, одамлар қалбидаги хавотир, ҳадик қанчалик ўринли ёки аксинча эканини билишни дилимга тугиб қўйгандим. Шу орада, 2013 йил 23 сентябрда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам матбуотда эълон қилинди. Ушбу қонун мазкур касаллик тарқалишига қарши курашишга оид барча жиҳатлар қамраб олингани билан аҳамиятлидир. Масаланинг моҳияти газетхонларимиз учун ҳам муҳимлигини эътиборга олиб, республика ОИТСга қарши кураш маркази бўлим мудири, олий тоифали шифокор Моҳигул МУСАБЕКОВА билан суҳбатлашдик.

**— Моҳигул опа, кўпчилик ОИТСнинг қандай хасталик экани ҳақида умумий маълумотга эга. Шундай бўлса-да, кўнгилда бир хавотир юради. Унинг келиб чиқиши, хавфлилик даражаси хусусида батафсилроқ фикр билдирсангиз.**

— Менимча, ОИТС ҳақида маълумот беришдан олдин уни юзага келтирувчи вирус тўғрисида билиб олиш мақсадга мувофиқ. ОИВ инфекцияси фақат одамларда учрайдиган сурункали юқумли касаллик ҳисобланади. Унинг манбаи шу вирусни юқтириб олган одам ҳисобланади. ОИВ бемор одамнинг танасида бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. Инфекциянинг яширин даври бир неча ойдан 5-10 йилгача, ҳатто ундан кўп бўлиши ҳам мумкин. Бу даврда вирусни юқтирганлар ташқи кўринишидан соғлом бўлиб, уларда касалликнинг ҳеч қандай белгилари кузатилмайди. Айнан шу давр анча хавфли. ОИВни юқтирганлар ўзлари билмаган ҳолда бошқаларга юқтиришлари ҳам мумкин. Бу дардга чалинган беморнинг меъёрда ишлаб турган иммун тизими йиллар давомида вируснинг тажовузини енгиб туради. Аммо бора-бора вирус организмда ҳеч қандай тўсиқсиз кўпайиб, иммун тизимини мутлақо издан чиқаради. Агар вақтида тегишли даво чоралари кўрилмаса, беморда мазкур вирус ривожланиб, унинг организми турли юқумли касалликларга тез чалинадиган бўлиб қолади.

**— ОИВ инфекцияси қандай йўллар билан юқиши мумкин?**

— ОИВ инфекциясининг соғлом одамга юқишининг 3 хил йўли мавжуд. Уларнинг дастлабкиси тери ва шиллиқ қаватлар бутунлигининг бузилишини даволаш чоғида муолажалар орқали юзага келади. Тиббиётда бу йўл "парентерал юқиш" деб номланади. Касаллик асосан, гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилиш чоғида шприц ва игналар умумий ишлатилганда, ОИВ инфекцияси билан зарарланганда, беморларга текширилмаган қон қуйилганда, аъзо ёки тўқималар кўчириб ўтказилганда, ностерил тиббий ва нотиббий асбоблардан (қон қолдиқлари мавжуд бўлган устара ва тиш чўткалари умумий ишлатилганда, татуировка, косметика муолажалари, бир марталик шприцлардан қайта фойдаланилганда) юқиши мумкин. "Қон орқали юқиш" деганда кўпинча гиёҳванд моддани шприц орқали қабул қилувчилар гуруҳи тушунилади. Чунки бир томчи қонда инсонни зарарловчи минглаб вирус бўлади.

Иккинчи йўл бетартиб жинсий ҳаёт кечирувчи шахслар орасида учрайди. Булар асосан, рағбатлантиришлар эвазига жинсий муносабатда бўлувчи(фоҳиша)лар ҳамда бегона шахслар билан жинсий яқинлик қилувчилар орасида кузатилади.

Учинчиси эса вертикал дея номланиб, ОИВга чалинган ҳомиладор аёллардан ҳомилага ёки чақалоққа юқиш орқали юзага келади. ОИТСга чалинган ҳомиладор аёлдан болага ҳомиладорлик вақтида, туғиш пайтида қон йўллари, эмизиш жараёнида сут орқали юқади. Чунки қон вируснинг юқори концентрациясини ўзида сақловчи модда ҳисобланади. Ундан кейинги ўринларда жинсий аъзолар ажратмаси, она сути, орқа мия суюқлиги туради.

Бошқа ҳолларда ОИВ юқиши учун етарли бўлмаган концентрация(миқдор)да учрайди. Шу сабабли сўлак, тер, бурундан оқадиган суюқлик, балғам, кўз ёши эпидемиологик нуқтаи назардан хавфли ҳисобланмайди. Бироқ ушбу суюқликларда кўзга кўринарли даражада қон бўлса, улар хавфлидир.

**— ОИТСни юқтирган бемор организмида қандай ноxуш ҳолатлар юзага келади? Аниқроғи, касалликка хос алоҳида белгилар мавжудми?**

— ОИВ инфекциясига хос махсус белгилар мавжуд эмас. Касаллик юққанидан кейин 8-10 ҳафта ўтгач, айрим беморларда бирламчи ўткир клиник кўриниш даври ривожланиши мумкин. Бунда беморда гриппга хос белгилар — камқувватлик, иштаҳанинг пасайиши, кўп терлаш, тана ҳароратининг кўтарилиши, лимфа безлари, жигар, талоқнинг катталашуви кузатилади. Касалликнинг авж олиш даврида бемор гепатит, сил, нафас йўллари ва ошқозон-ичак тизимини зарарловчи турли касалликларга берилувчан бўлиб қолади.

Бу даврда беморга юққан қўшимча касалликларнинг белгилари намоён бўлади. Бундай белгилар бўғимлардаги оғриқ, терида ҳар хил тошмаларнинг пайдо бўлиши, йўтал, узоқ муддат давомида ич кетиши кўринишида кузатилиши мумкин. Юқорида таърифланган белгиларнинг қайси касалликка тегишли эканини фақат шифокор аниқлаши мумкин.

**— Ўзи билмаган ҳолда ОИВ инфекциясига йўлиққанларни даволашнинг қандай чора-тадбирлари бор?**

— ОИВ инфекциясини юқтирдиммикан, деб ўзидан шубҳаланган шахс дастлабки икки соат ичида ОИТСга қарши курашиш марказларига мурожаат қилиши керак. Шу даврда буюрилган дори ва препаратлар инсон организмида вирус ривожланишининг олдини олиб, иммун тизимининг емирилишига йўл қўймайди. 28 кун давомида ретровирус дорилар қабул қилиниши керак. ОИВ га чалинган бемор билан мулоқотда бўлгандан кейинги 3 сутка ичида буюрилган дори ижобий таъсир қилади. Текширишлар чоғида мулоқотдан кейинги дастлабки 2 соат ичида ретровирус препаратларни қабул қилганларнинг бирортасида касалликнинг бошланиш белгиларини аниқламадик. Улар касалликни ўз вақтида енгишди.

**— Дейлик, жарроҳлик амалиётлари, туғруқ жараёнлари билан шуғулланувчи тиббиёт ходимларидан бирининг бемори ОИВ инфекциясига чалинган. Эҳтиётсизлик оқибатида беморнинг қони шифокорнинг қўлига сачради. Шунга ўхшаш ҳолатларда қандай йўл тутган маъқул?**

— Биргина шифокорларда эмас, бошқа соҳа вакилларида ҳам бундай ҳолат кузатилиши мумкин. Ўшанда агар тери жароҳатланмаган, кесилмаган бўлса, унга дори буюрилмайди. Чунки шикастланмаган терининг ўзи тўсиқ вазифасини ўтай олади. Бундай ҳолатда қўлни совун билан ювишнинг ўзи етарли. Мабодо терида кесилган жой бўлиб, қон ўша жойга тушса, қўлни совун билан ювгач, тезда ОИВ юқишига қарши препаратларни қабул қила бошлайди. Лекин бунда биоматериални (касаллик манбаи)ни аниқлаш жуда муҳим. Агар биоматериалда вирус аниқланмаса, ҳар иккала шахс ҳам дори ичишни дарҳол тўхтади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, профилактика чора-тадбирлари аҳолининг барча қатламларини қамраб ололмайди. Бундай ҳолларда аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, ОИВ инфекциясига чалинганларни эрта аниқлаш мақсадга мувофиқ.

**— Бугун кўпгина ҳамюртларимиз ишлаш, ўқиш, саёҳат қилиш мақсадида хорижга чиқишмоқда. Узоқ муддат чет давлатларда бўлган шахсларда ОИВ инфекцияси аниқланса, эпидемиологик суриштирув қай тартибда ўтказилади?**

— Маълумки, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрда «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамасининг «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган эди. Ана шу меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди. Бундан ташқари яқинда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган тартибларга мувофиқ узоқ муддат чет давлатларда бўлиб қайтган Ўзбекистон фуқаросида ОИВ аниқланса, аввало, унинг миграциядан олдинги ва кейинги хулқи, касаллик юқиш хавфини юзага келтирувчи омиллар суриштирув йўли билан аниқланади. Сўнг миграциядан олдин ва қайтганидан кейин мулоқотда бўлган (жинсий, маиший, парентерал) шахслар ОИВга қарши кураш талаблари бўйича текширилиб, мигрантнинг турмуш ўртоғи ва яқинларига касаллик юқишининг олдини олиш бўйича зарур маслаҳатлар берилади, мулоқотда бўлганларнинг тиббий муолажа олган жойи аниқ бўлса, ушбу манзил бўйича мулоқотдагиларни ОИВга ва эпидемияга қарши текшириш тадбирларини ўтказишни сўраб, ОИТСга қарши курашиш марказларига хат юборилади.

**— Орамизда ОИТСга чалинган бемор билан ёнма-ён ўтириб қолсам, мен ҳам бу дардга чалинмасмикинман, деган ўйга борувчилар учрайди...**

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, одам соғлом, тери ва шиллиқ қаватлар жароҳатланмаган бўлса, бу касаллик юқмайди. Шунинг учун бемор билан битта идишдан овқат ейиш, у билан гаплашиш, қўл бериб кўришиш, қучоқлашиш, умумий чўмилиш ҳавзалари, ҳожатхонадан фойдаланиш хавфли эмас. Ҳатто касалликнинг қон сўрувчи ҳашаротлар (чивин, бит, кана ва ҳ.к.) орқали юқиши ҳам исботланмаган. Саволингизга қайтадиган бўлсак, менимча, аҳоли онгида бу касаллик ҳақида ҳали тўла тушунча йўқ. Тўғри, биз тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпмиз, ОАВ орқали чиқишлар қиляпмиз, мақолалар ёзиляпти, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрланяпти. Аммо шунча саъй-ҳаракатларга қарамай аҳоли ўртасида тиббий саводхонлик ҳали етарли даражада шаклланмаяпти. Ўйлашимча, ОАВнинг бу борадаги энг катта муаммоси одамларга касалликнинг туб моҳиятини тушунтириш ўрнига кўпинча рақамларга мурожаат қилишаётганида бўлса керак.

**— Телевидение, радио, газеталар орқали тарқатилаётган маълумотларга қараганда дунёда ОИТС билан касалланаётган беморлар сони кун сайин кўпайиб бораётган экан. Наҳот ОИВ инфекциясининг юқиш хавфини камайтириб бўлмаса?**

— Балки дунё миқёсида аҳвол шундайдир. Нима бўлганида ҳам, аввало, ҳар бир инсон ўз оиласига, турмуш ўртоғига тўлиқ вафодор бўлса, бу касаллик хонадонларимизни четлаб ўтади. Ўз навбатида ҳар бир инсонга шахсий гигиенага алоҳида эътибор бериши зарурлигини маслаҳат берган бўлардик. Инсон фақат ўзига тегишли шахсий устара, тиш чўткаси ва бошқа гигиена воситаларидан, тиббий муолажалар олиш зарурати туғилганда вируслардан зарарсизлантирилган, бир марта ишлатиладиган жиҳозлардан фойдаланиши зарур. Косметолог, стоматолог, татиуровка, персинг (баданни тешиш), маникюр, педикюр хизматларидан фойдаланганда нотиббий жиҳозларнинг стерилланганига алоҳида эътибор бериш керак. Никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтишса, мигрантлар соғлом турмуш тарзига риоя қилишса, ўйлайманки, ҳеч ким бу балога йўлиқмайди. Шунинг учун фуқароларимизга қарата қўрқманг, фақат эҳтиёт бўлинг, дегимиз келади.

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**«Hurriyat» мухбири**

Хориж тажрибасидан

# ХИТОЙДА ИШ тонгги газеталарни ўқишдан бошланади

**Хитой айни кунда жаҳондаги салмоқли сиёсий-иқтисодий, ҳарбий салоҳиятга эга, ривожланган мамлакатлардан биридир. Халқнинг бой маданий-маънавий мероси, жаҳон бозоридаги эришган ютуқлари ва келажак имкониятлари дунё сиёсатдонлари, иқтисодий таҳлилчилар томонидан бот-бот эътироф этилмоқда. Мамлакатда ОАВ турларининг замон талабларига монанд ҳамда ўзига хос "хитойча" тараққиёти ҳам мутахассислар назаридан четда қолаётгани йўқ.**




Хитойда аҳоли орасида ОАВнинг алоҳида тури телевидениенинг ўзига хос ўрин топганига анча бўлган, бинобарин, айни пайтда мамлакатда жами 560 та телестанция мавжуд. Жами телеканаллар сони эса 950 та. Улардан 35 таси сунъий йўлдош орқали бутун Хитой ҳудуди ва хорижий давлатларга узатилади. Илк бор 1958 йил 2 сентябрда Пекин телевидениеси номи билан эфирга чиқа бошлаган Хитой Марказий телевидениеси ушбу йўналишдаги йирик концернлардан бири ҳисобланади. Ҳозир мамлакатдаги барча провинциялар, автоном туманлар ва шаҳарларда унинг ўз станциялари мавжуд. Бундан ташқари, у дунёдаги 130 мамлакатнинг 250 дан зиёд турдош ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Марказий телевидение таркибидаги 20 дан ортиқ канал турли йўналишларга ихтисослашган. Молия, маданият, кўнгилочар, спорт, кино, болалар, илмий ва таълим каналлари шулар сирасига киради. Бундан ташқари, унинг таркибида испан, француз, араб ва рус тилларидаги халқаро каналлар ҳам фаолият кўрсатади. ОАВнинг телевидение турида доимий ўсишни таъминлаш мақсадида Шанхайда Телевидение куни, Пекинда Халқаро телевидение ҳафталиги, радиоэшиттириш ва телевизион аппаратураларнинг бутун Хитой кўргазмаси, Сичуан телефестивали каби кенг кўламли халқаро теле ва радио кўргазмалар тез-тез ўтказиб турилади. Улар доирасида турли мусобақалар, илмий телеайирбошлаш ва теледастурлар савдоси амалга оширилади. Натижада Шанхай Осиёда теледастурларни айирбошлаш бўйича энг катта бозорга айланиб улгурган.

Хитойдаги жами 294 та радиостанция орасида имконияти жиҳатидан Марказий халқ радиостанциясининг фаолияти эътирофга сазовор. У сунъий йўлдош орқали бир кунда жами 156 соат давомида турли дастурлари билан эфирга чиқади. Хитой халқаро радиоси мамлакатдаги хорижий аудиторияга мўлжалланган ягона радиоканалдир. Жумладан, унинг дастурлари 38 тилда, шунингдек, хитой тили ва тўрт хил маҳаллий лаҳжаларда кунига 290 соат сунъий йўлдош орқали эфирга узатилади. Радио дастурларидан асосан янгиликлар, шарҳлар, турли кўнгилочар дастурлар, шунингдек, сиёсат, иқтисод, маданият, фан ва техника мавзуларига бағишланган эшиттиришлар ўрин олган. Эшиттиришлар ҳажми ва кўп тиллиги бўйича мазкур радио дунёда учинчи ўринда туради. Боз устига, барча провинциялар, автоном туманлар, марказий шаҳарлар, ҳудудий-маъмурий бирлашмалар ҳам ўз радиоканалларига эга.

Жаҳонда энг катта агентликлардан бири "Синхуа" Хитойда фаолият олиб боради. Унинг Осиё, Тинч океани ҳудуди, Ўрта Шарқ, Лотин Америкаси, Африка ва бошқа ҳудудларда юздан ортиқ мухбирлик пунктлари мавжуд. Кунига агентлик томонидан мингдан зиёд ахборот ва маълумотлар тарқатилади. Аниқроғи, у 306 та радиостанция, 369 та телестанция, 2119 та газета ва 9038 та даврий нашрни ахборот билан таъминлайди. Хабарлар асосан мамлакатнинг иқтисодий, ташқи ва ички сиёсатини қамраб олади. Хитойликларда "Бир гапни қулоққа илмаганга мингта гап ҳам кор қилмайди", деган нақл бор. Бу ерда замонавий матбуот асосан XX асрга келиб тўла шаклланган. Мамлакат ўзига хос ижтимоий бозор иқтисодиёти йўлига ўтгач, ҳукумат газеталарни фойда олиш ва аста-секин иқтисодий эркинликка эришиш тамойиллари асосида ривожланиш йўлига бошлади. Охирги ўн йилликда Хитой ОАВ бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда матбуот ўз фаолиятида катта ўзгаришларга эришди. Хусусан, 40 та нуфузли газета корпорациясини ўз ичига олган ҳамда замонавий бошқарув ва ўз ишлаб чиқариш диверсификациясига эга ривожланган матбуот индустрияси шаклланди.

Хитойдаги аксарият газета корпорациялари зарар келтириб ишлаётган кичик газеталарнинг қўшиб олиниши натижасида вужудга келди. Шу тариқа медиа корпорациялар айланма маблағларни кўпайтириб фойда ҳажмини оширишга эришди.

1950-2000-йиллар орасида Хитойда газеталар сони 11 мартага кўпайган. Газеталар мазмунан ва шаклан ривожланиб, ҳозирги пайтда мамлакатда 39 та йирик концернларни вужудга келтирган. Жумладан, "Бейсзин жибао", "Венхой синмин" ва "Гуанчжоу жибао", "Женмин жибао"ларни улар қаторига киритиш мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, мамлакатда 9490 та журнал, 22 минг 119 та газета чоп этилмоқда. Матбуот нашрлари аҳоли қатламларига ҳамда маълум соҳани қамраб олишига кўра турларга бўлинади. Бундан ташқари, тонгги, кечки ва дам олиш кунги газеталар ҳам борки, улар аҳолининг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради. Йирик нашрлардан "Санкао Хиаохи"нинг адади 3 миллион нусхага яқин. Ҳолбуки, АҚШдаги оламга машҳур "The Wall Street Journal"нинг адади 1 миллионни ташкил этади. Одатда кунни тонгги газеталар мутолаасидан бошловчи хитойликка у яшаётган ҳудудда, давлатда кечаётган жараёнлардан хабардорлик муҳим. Мутахассисларнинг бу борада ўтказган сўровномалари натижасида аҳолининг ўрта қатлами, яъни зиёлилар нашрларнинг асосий муштарийлари экани маълум бўлади.

Мамлакатдаги нашрлар орасида ўз мавқеини сақлаб келаётган "Женмин жибао" босиб ўтган йўл бошқалар учун мактаб вазифасини ўтамоқда. "Женмин жибао" номи билан ўз фаолиятини бошлаган нашр бугун хитой, рус, инглиз, япон, француз, испан, араб, мўғул, тибет, уйғур, қозоқ, корейс, носу ва чжуан тилларида чоп этилади. Ҳукуматга қарашли бу газета дунёда ўз таъсир кучига эга. Мингдан ортиқ журналист, турли мамлакатлардаги етмишта мухбирлик бўлимларида фаолият юритишади. Адади 2 миллион 800 мингта бўлган газета ҳар йил юз минг нусхага ошиб боради. "Женмин жибао" газетаси ўзининг ўнлаб босма ва электрон нашрлари билан бирга улкан бирлашма — "Женмин жибао" холдингини ташкил этади. Хитой ҳукумати "Женмин жибао" холдингига доимо катта ёрдам кўрсатади. "Женмин жибао" газетаси ички жараёнларни ва бошқа мамлакатлардаги долзарб воқеа-ҳодисаларни ёритиб боради. Хитой матбуотини ўрганувчи мутахассислар ҳукумат газетаси "Женмин жибао" саҳифаларидаги мақолалар мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий ҳаётни ўзида акс эттиришини таъкидлашади. Хитой ҳудудида бу газетани обуна орқали ёки матбуот шохобчаларидан харид қилиш мумкин. Обуна давлат ҳисобидан амалга ошириладиган ва индивидуал обуна турларига бўлинади. Нашрнинг асосий муштарийлари расмий ташкилотлар ва давлат идораларидир. У реклама, обуна, матбуот дўконларидаги тушум ва давлат ажратадиган маблағ ҳисобига кун кўради. Шуни ҳам айтиш керакки, давлат томонидан ажратиладиган маблағ газета таҳририятининг асосий даромад манбаларидан.

Хитой медиа бозорининг ривожи журналистикада доимий равишда замонавий шакл ва йўналишларни қидиришга асосланган. Бу жараён замонавий технологиялар жумладан, интернет, тармоқли ва мобил журналистиканинг ривожи туфайли янада тезлашди. Ҳикоя қилаётганимиз "Женмин жибао" нашрининг веб сайти хитой тилидаги энг катта ахборот сайтидир. 1997 йили 1 январда ишга тушган мазкур сайтга Хитой овозини бутун дунёга етказиш вазифаси қўйилган. 2001 йил 5 июнда унинг рус тилидаги тармоғи очилган. Таҳририят ўзининг интернетдаги саҳифасига қизиқишни орттириш учун тинмай изланмоқда. "Женмин жибао" онлайн хитой, рус, инглиз, япон, француз, испан ва араб тилларида фаолият юритади. Япония ва АҚШда ҳам сайт нусхалари бор. Сайтдаги ахборотнинг ишончлилиги, кўп қирралилиги, тезкорлиги эътирофга сазовор. Шунинг учун ҳам ўқувчилар: "Муҳим хабарларни "Женмин жибао" онлайнда ўқинг" дейишади.

Мамлакатда ОАВ учун мутахассисларни етказиб беришга ҳам катта аҳамият берилади. 230 дан ортиқ факультет, институт ва Хитой университетларида журналистикага ихтисослашган бўлимларда кадрлар тайёрланади. Ҳозирги кунда янгича дунёқарашга эга журналистни тарбиялаш ишларига жиддий киришилган. Бундай мутахассислар ОАВ бозоридаги муносабатлар мураккаблигини яхши билиши, шунингдек, Хитойнинг бой маданияти ва тарихидан хабардор бўлиши лозим. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, хитой журналистикаси ҳозиргача хориж тажрибасини ўрганиб, энг илғор жиҳатларни ўзлаштирганига қарамай, ўз анъаналаридан унчалик узоқлашмаган.

Мамлакат журналистикасида "журналист суриштируви" тамойили оммалашган бўлиб, талай мухбирлар фаолият орқали ўқувчилар орасида катта муваффақият қозонган. Зеро, журналист аралашуви ёрдамида ижтимоий ҳаётдаги камчиликлар рўй-рост ошкор этилади, ва албатта, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Матбуот ходими газетанинг ўқишлилигини таъминлашга, ададини кўпайтиришга ва реклама тушумини кўпайтиришга ҳам масъул. Яхши мутахассисларга матбуотнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, деб қаралади. Матбуот ходимларидаги ижодий салоҳиятнинг ошиши уларнинг иш самарадорлигига ижобий таъсир қилади. Бироқ соҳа олдида ечимини кутаётган қатор масалалар ҳам борки, улардан асло кўз юмиб бўлмайди. ОАВнинг ўта даражада ҳукумат билан яқинлигини дунё журналистика таҳлилчилари салбий ҳолат дея баҳолашмоқда. Уларнинг фикрича, бундай журналистиканинг ҳукумат тарғиботчисига айланиб қолиши эҳтимоли юқори. Суонси университети ўқитувчиси Ву Яннинг фикрича, газеталарнинг давлат берадиган маблағга эмас, рекламадан тушадиган фойда туфайли ривожланиши уларнинг ҳақиқатан ҳам қизиқарли чиқишида муҳим омил бўлди.

**Моҳира ОТАБОЕВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

Журналларни варақлаганда

## Ҳуқуқни билиш бурчдир

**"Huquq va burch" ижтимоий-ҳуқуқий журналининг 2013 йилдаги 10-сони муштарийларга ҳавола этилди.**

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни ўзининг шиддатли оқибатлари билан инсониятни таҳликага солмоқда. Давлатлараро зиддиятлар кучайиб бораяпти, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқлари пайдо бўлмоқда. Бундай алғов-далғовли дунёда оломонга тинчлик, осойишталик ҳақидаги тушунчаларнинг аҳамиятини оддийгина сўзлар билан тушунтириш, онгига сингдириш мураккаб масала бўлиб қолди. Уруш, нотинчлик ва таҳдидлар бугун бирон давлат ёки ҳудуд билан чегараланиб қолаётгани йўқ. У бутун дунёга хавф солмоқда. Биргина мисол: қўшни Афғонистонда ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка таҳдид қилиб турибди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматовнинг журналда чоп этилган "Тинчлик қадри" номли мақоласида юқоридаги мавзу ҳамда юртимиздаги осойишталикнинг кафолати бўлиб турган қонун устуворлигининг аҳамияти ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содиқ Сафоев билан уюштирилган "Экологик мувозанат минтақа истиқболини белгилайди" сарлавҳали суҳбатда атроф-муҳит билан боғлиқ трансчегаравий муаммолар, Тожикистон алюминий компаниясининг минтақа табиатига, одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири, уни бартараф этиш бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз боради.

Маълумки, кейинги йилларда соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, тарғибот ишларининг самараси ўлароқ, юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг малакали эксперт тадқиқотларига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш жиноятларни тез фурсатда фош этиш одил судловни таъминлашга хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2012-2015 йилларда Республика суд экспертизаси марказини ривожлантириш дастури айни шу мақсадга қаратилган. Дастур соҳага илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш, суд экспертизаси кўламини кенгайтириш билан бир қаторда 2013-2015 йилларда ДНК маълумотлар базасини яратишни ҳам кўзда тутади. Республика суд экспертизаси маркази директори ўринбосари Учқун Узоқовнинг "ДНК маълумотлар базаси" номли мақоласида жорий этилаётган янгиликларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган сана муносабати билан журналнинг ушбу сонида ҳавола этилган "Тилнинг нуфузи — миллат нуфузи" сарлавҳали давра суҳбати ҳам ўзининг мазмун-моҳияти билан журналхонларда таассурот уйғотиши табиий. Суҳбат иштирокчилари ўзбек тилининг софлиги, уни янада бойитиш масалаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.




Бундан ташқари, "Мавлуда Аҳмадшоева: "Ҳалол меҳнат ва пок виждон менга қўш қанот бўлди", "Ўзбекистонда сайёҳлик истиқболлари", "Фуқаролар мурожаати эътибор ва масъулиятни талаб этади" каби мақолаларда қаламга олинган долзарб, огоҳликка чорлайдиган, оммани ўз ҳуқуқларини билишга ундовчи турли мавзулардаги мақолалар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

## "Жаҳон адабиёти" бисотидан

**"Фикрламай илм олмоқ — беҳудалик; билим билан суғорилмаган тафаккур эса хатардир". Хитойлик файласуф Конфуцийнинг ушбу пурмаъно фикри "Жаҳон адабиёти" журналининг жорий йилги 9-сонини ўқиган ўқувчиларда ўзига хос таассурот қолдиради.**

Шунингдек, журналдан ўрин олган "Навоий сабоқлари" рукни остида филология фанлари номзоди Қодиржон Эргашевнинг Алишер Навоий ғазаллари таҳлилига бағишлаган "Даҳр судидин тамаъ узким..." номли таҳлилий мақоласи, Ф.М.Достоевскийнинг "Иблислар" романининг давоми муштарийларни эътиборсиз қолдирмайди. Асарни таникли таржимон Иброҳим Ғофуров ўзбек тилига ўгирган.

Хулио Кортасарнинг "Ўйиннинг тугаши", "Бир кам дунё" номли ҳикоялари Олим Отахон таржимасида журналхонларга тақдим этилган. Таржималар аввалида мутаржимнинг "Кечиккан Кортасар" номли мақоласи ҳам асарни тушунишга, унинг мазмун-моҳиятини таҳлил этишда яқиндан ёрдам беради.

"Устоз таржимонлар бисотидан" рукнида эса севимли шоиримиз Рауф Парфи архивидан олинган, шоир таржимасидаги америкалик машҳур адиб Уильям Сарояннинг "Ҳей, ким бор?" деб номланган драматик ҳикояси билан танишасиз.

XX аср жаҳон адабиётининг улкан намояндаси, кўплаб миллий ва халқаро мукофотлар совриндори, фаол жамоат арбоби ҳамда сиёсатчи тинчлик учун толмас курашчи, чилилик шоир Пабло Неруданинг бир қатор шеърини "Шеърият минтақалари" рукни остида ўқишга мушарраф бўласиз. Шеърларни рус тилидан Рустам Мусурмон таржима қилган. Яна ушбу рукн остида шоир, драматург ва адабий танқидчи — Томас Стернз Элиотнинг бир туркум шеъри Ҳумоюн Акбаров таржимасида тақдим этилган. "Адабиётшунослик. Фалсафа" рукнидаги Муҳаммаджон Холбековнинг "Томас Элиот шеърияти" деб номланган мақоласи шоир шеърларининг давомига уланиб кетади.

Михаил Бахтиннинг "Романда замон ва хронотоп шакллари" сарлавҳали тарихий поэтикага доир очеркларининг давомини адабиётшунос Узоқ Жўрақулов таржимасида ўқийсиз.

Жорий йил май ойида юртимизга ташриф буюрган америкалик атоқли шоир, ёзувчи, таржимон ва жамоат арбоби Кристофер Меррилл ва истеъдодли журналист Собиржон Ёқубов билан адабиёт ҳақидаги "Ижод ва эътиқод" сарлавҳали суҳбат ўқувчиларни бугунги Америка ҳаёти ва адабиётига нигоҳ ташлашга ундайди. Шунингдек, бир қатор ёзувчи, таржимон, олим, бастакор, актёр, режиссёрнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Яшаб қолишга имкон берилган адиб", "Устоз режиссёр", "Санъаткорнинг мангу умри", "Ўлмас оҳанглар бастакори", "Онг орқали юракка", "Порлоқ юлдуз", "Оҳанг яратувчи сеҳргар", "Жўшқин ҳаёт, тошқин ижод сарвари" сарлавҳали туркум материаллар журналхонларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз. Эслатиб ўтамиз, журнал муқовасида 2005 йил Ғарбнинг энг




яхши рассоми дея тан олинган, Мексикада таваллуд топган ҳамда бугун Калифорния штатида яшаётган мусаввир Альфредо Родригеснинг "Ҳиндулар ҳикмати" номли бетакрор суръатидан фойдаланилган.

**Фозил ЖАББОРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

Ҳамкасб

## Ҳаёт мактабидаги инсон

**Орамизда шундай инсонлар ҳам борки, улар Ватани, эли учун сидқидилдан хизмат қилади. Уларга халқнинг ишончи, ҳурмати бўлса, бас. Фарғоналик Адҳамжон ака Мирсаидов ана шундайлар сирасидан.**

Ёши етмишни қоралаб қолган бўлса-да, севган касбидан кўнгил узолмайди. Адҳамжон ака 46 йилдирки, матбуот соҳасида фаолият юритиб келмоқда. Ижодкор ёшлик чоғларидан адабиётга, шеъриятга ўзгача меҳр қўйди. Ўқувчилик йиллариданоқ туман, вилоят газеталарида турли хабар, мақолалари билан қатнашди. Мактабни тугатгач, тақдир уни Қўқон Давлат педагогика институтининг тарих факультети томон етаклади. Талабалик даврларида ҳам қаламини чархлайверди. Охир-оқибат у журналистика касбининг этагидан маҳкам тутиб, 1967 йилда мухбир бўлиб иш бошлади. Адҳамжон ака ўтган йиллар давомида туман газеталарида мухбир, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, муҳаррир лавозимларида ишлади. Касбнинг заҳматинию раҳматини татди, эл-улус ичида ҳурмат қозониб, обрў-эътибор топди. Кўп йиллик фаолияти давомида бир неча бор мамлакат миқёсидаги ижодий кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритди.

Ижодкор айни пайтда Фурқат туман ҳокимлиги муассислигидаги «Навбаҳор» газетаси муҳаррири вазифасида ишлаб келмоқда. Газетада ёритилаётган ранг-баранг мавзулардаги мақола, хабар ва бадиий асарлар воситасида тумандошлари қалбларини маънавий ва маърифат зиёси билан ёритмоқда.

Адҳамжон ака фахрий журналист бўлиши билан бирга бадиий ижод билан шуғулланаётган кўплаб ёшларнинг устозидир. Яқинда у талаба ёшларнинг шеър ва ҳикояларини жамлаб «Талабалар гулдастаси» номли баёзнинг чоп этилишига бош-қош бўлди. Шунингдек, Адҳамжон Мирсаидовнинг «Сен шундай яхшики...», «Ҳайрат кўпригида» шеърий тўпламлари ҳам нашр этилиб, ўқувчилар меҳрини қозонган.

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ**
*Фарғона вилояти.*

## Дараклар

### ЯПОНИЯДА РОБОТ ҲАМКОР ЯРАТИЛДИ



**Техника ривожлангани сайин инсонлар томонидан бажариладиган кўпдан-кўп юмушлар роботлар зиммасига юкланмоқда. Айни кунда ҳатто инсон бажара олмайдиган юмушларни ҳам улар уддалаётгани сир эмас.**

Яқинда Япониянинг НЕС компанияси PaPeRo роботининг янги авлодини яратди. Petit дея ном олган, бўйи 24 сантиметр, оғирлиги 1,3 килограммлик робот аввалги яратилган роботлардан қарийб икки маротаба кичикдир.

PaPeRoнинг битта фарқли жиҳати, у мустақил ҳаракатлана олмайди. Шунга қарамасдан, одамларни юзидан ва овозидан таний олади. У микрофон, камера ҳамда ҳарорат ва масофани аниқловчи ускуналар билан жиҳозланган.

Petit қайта ишланиши лозим бўлган ахборотни интернет орқали узоқдаги серверга юбориб, у ёқдан тегишли жавобни ҳам ололади.

Мутахассислар мазкур роботнинг турли мулоқотларда воситачи сифатида фойдаланишга қулайлигини таъкидлашмоқда. Масалан, у ўз камераси ёрдамида бирон тасвирни смартфон ҳамда планшетга узата олади. Шунингдек, овоз шаклида узатилган матнларни бемалол ўқийверади.

Шу ўринда PaPeRo Petit роботининг намунасини тайёрлашга 1997 йилда киришилганини таъкидлаш жоиз. Ўтган ўн етти йил давомида НЕС компанияси унинг бир неча авлодини яратишга муваффақ бўлди. Дастлабки роботлар 6,5 килограмм вазнга эга эди. Ўтган фурсат мобайнида уларнинг оғирлиги камайган бўлса-да, юз тузилиши деярли ўзгармай қолди.

Компания тақдимот чоғида бевосита ушбу роботга тегишли шериклик дастурини ҳам тақдим этди. Бунга асосан, мазкур роботни сотиш, унга янги дастурлар ўрнатишда манфаатдор шериклар иштирок этишлари мумкин. Бу «ақлли машина»ни ҳатто 10 минг иен (тахминан 100 АҚШ доллари) га бир ойга ижарага ҳам олса бўлади.

PaPeRo кўп функцияли робот бўлиб, у шароит тақозосидан келиб чиққан ҳолда турли юмушларни бажариб кетаверади. Масалан, у ёш болаларга тарбиячи энага, кекса кишиларга боқувчи, дўконда кассир, таржимон каби «вазифа» ва «лавозим»ларда ўз лаёқатини синаб кўрган.

### КОИНОТДА ЕРГА ЎХШАШ САЙЁРАЛАР КЎП



**АҚШдаги Калифорния университети ходими Жеффри Марси ва унинг ҳамкасблари «Кеплер» телескопи томонидан коинотда кузатилган барча юлдузлар тўғрисидаги маълумотларни батафсил таҳлил қилди. Олимлар TERRA махсус компьютер дастури ёрдамида само жисмларининг хусусиятларини ўргана бориб, Ернинг яқин атрофидаги ҳудудларда унга ўхшаш сайёралар, яъни ернинг қиёфадошлари бор-йўқлигини аниқлашга ҳаракат қилишди.**

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, «Кеплер» телескопи 42 мингта юлдуз ва 603 та сайёрани ўрганиб чиқиб, улардан 10 таси ўзининг ўлчамига кўра Ерга бирмунча ўхшашлигини ва «ҳаёт ҳудуди» доирасида жойлашганини аниқлашди.

Қизиғи шундаки, олимлар TERRA махсус компьютер дастури орқали аниқланган сайёраларни бошқалари билан таққослаб, Ернинг қиёфадошлари Қуёшга ўхшаш юлдузлар тизимида кўпроқ учрашига гувоҳ бўлишди.

Уларнинг ҳисоблашларига кўра, оғирлиги ва спектрал тавсифи қуёшникидан фарқ қилмайдиган ҳар бешта юлдуздан бирида она Еримизга ўхшаш сайёра учраши мумкин экан. Шундан келиб чиқиб, бизларга энг яқин, ҳаёт нишоналари мавжуд сайёра Қуёш тизимидан 15 ёруғлик йили узоқлигида жойлашганини тахмин қилиш мумкин.

Табиийки, ушбу далил коинотда ердан ташқарида ҳам ҳаёт ўчоқлари мавжудлиги тўғрисидаги тахминларни воқеликка анча яқинлаштиради. Қолаверса, бундай маълумотлар келгусида тадқиқотларни давом эттиришга, янги, такомиллашган телескопларни яратишга туртки беради.

### ОНАДА МИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАГАНДАН КЕЙИН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ



**Венгрияда мия фаолияти бутунлай тўхтаган она қорнидаги 15 ҳафталик ҳомиланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Дебрецен университети қошидаги тиббиёт маркази шифокорлари онанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун икки кунлик уринишлари самарасиз кетди.**

Аёлда барча ҳаёт аломатлари тугагандан кейин ҳам ультратовуш текшируви ҳомиланинг тириклигини ва у бачадонда нормал ҳаракатланаётганини кўрсатди. Шундан сўнг шифокорлар чақалоқнинг отаси ва бобо, бувиси билан келишган ҳолда аёлнинг тириклигини таъминловчи тизимни узмасликка ва ҳомилани сақлаб қолишга қарор қилдилар.

Уч ой мобайнида она қонига оқсил, витамин ва микроэлементларга бой махсус суюқликлар юбориб турилди. Бу давр мобайнида мунтазам равишда кўплаб ускуналар ёрдамида ҳомиланинг аҳволи ҳам ўрганиб борилди. Ҳомилани қувватлантириш учун мусиқий терапия ҳам қўлланилди. Шифокорлар уч ой мобайнида асосий диққат-эътиборни онада инфекцион хасталиклар пайдо бўлмаслигига ҳамда тана увишиб қотиб қолмаслиги учун уни ҳар куни бир неча марта айлантириб уқалаб туришга қаратишди.

Ҳомила 27 ҳафталик бўлганда она тана аъзоларининг ҳаётий фаолияти жуда беқарорлашиб, гўдакнинг бундан кейин бачадонда қолиши хавфли деб топилди. Шундан кейин шифокорлар Кесарев усулида болани она қорнидан олишди.

Атиги бир ярим килограмм вазнга эга чақалоқ оламга келиши билан инкубаторга жойлаштирилди. Орадан икки ойча ўтиб, чақалоққа бутунлай жавоб берилди. Айни пайтда чақалоқ нормал ривожланаётганига қарамасдан шифокорлар унга доимо кўз- қулоқ бўлиб турибдилар.

Бола туғдириб олингандан икки кун ўтиб, шу кунгача онанинг тириклигини таъминлаб келган тизимлар узиб қўйилди ва у оламдан кўз юмди.

Анестезиология ва интенсив терапия бўлими мудири Сцилла Молнарнинг сўзига кўра, шу пайтгача жаҳонда мия фаолияти тўхтаган онадан 15 ҳафталик ҳомиланинг дунёга келиши ҳолати атиги икки марта қайд этилган. Аммо бундан илгари дунёга келган чақалоққа узоқ яшаш насиб этмаган.

### 507 ЁШЛИ МОЛЛЮСКА



**Бангор университети олимлари томонидан устида тадқиқотлар олиб борилаётган 507 ёшли Мин лақабли моллюска нобуд бўлди. 2006 йилда Исландия қирғоқларидан тутилган бу жонзот бир неча йилдан буён олимларнинг тадқиқот объектига айланган эди.**

Моллюска дастлаб ушланган вақтда олимлар унинг ёшини 405 йил деб белгилаганди.Технологиялар ёрдамида такомиллашган кейинги таҳлиллар моллюсканинг 507 ёшга кирганини аниқлади.

Жаҳонда шундай жониворлар ҳам борки, улар учун ўлим бегона. Масалан, медузалар маълум бир ёшга боргач, яна ҳаётий циклнинг аввалги поғонасига қайтади. Бундай қайтишларнинг сони чексиз бўлгани боис, буни биологик умрбоқийлик деса ҳам бўлади.

**Интернет хабарлари асосида А.АЗИМОВ тайёрлади.**

## Шарҳ

# ОЛАМ МУАММОЛАРИ



**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан илгари сурилган “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун” шиори бош тамойилга айланиб, мамлакатимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Унда, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш устуворлик қилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида кучли давлат сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб, бу борадаги вазифаларни боқичма-босқич рўёбга чиқариб келаётгани эришилаётган барча муваффақиятларимизнинг калити бўлмоқда.**

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий мақсад ҳар бир инсон турмушини яхшилаш, оилалар фаровонлигига эришишга йўналтирилгани билан эътиборлидир. Жамият ва давлат қурилиши, ижтимоий соҳалар, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, жамиятни маънавий-маърифий қадриятлар асосида тараққий топтириш — буларнинг барчаси одамларда мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилгани ҳам мазкур шиорнинг нақадар ҳаётий асосга эгалигини кўрсатади.

Ўзбекистон БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчисидир. У аҳоли ҳаёт сифатини ошириш борасида бир қатор кўрсаткичлар бўйича етакчилар қаторига киради. Хусусан, 2000 йилдагига нисбатан мамлакат ЯИМ 3,1, ўртача иш ҳақи мос қийматда 22 баробар, аҳоли реал даромадлари эса 8,4 баробар ошди, 97 фоиз оила бугун ўзининг уй-жойига эга.

Мамлакатимизда 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган 8 та миллий ривожланиш мақсадлари ишлаб чиқилган. Булар кам таъминланганлик ва сифатсиз овқатланишни қисқартириш, бошланғич ҳамда ўрта таълим сифатини кўтариш, аёллар ва эркаклар тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, ОИВ-ОИТС, сил ҳамда бошқа хасталикларга қарши курашиш, экологик барқарорликни таъминлаш, шунингдек, ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида глобал ҳамкорликни шакллантиришдир.

Эътироф этиш керакки, юқорида тилга олинган масалаларда мамлакатимиз салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Биргина мустақиллик йилларида оналар ўлими 3,2, болалар ўлими эса 3,4 баробар камайгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди.

Албатта, бу ютуқ замирида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик ётибди, десак янглишмаган бўламиз. Бундай имкониятдан уруш ва террорчилик хуружлари қурбонига айланган, ҳар куни ўнлаб одамлар қирғинга учраётган Ироқ ва Сурия, Афғонистон, Яқин Шарқ ва Африканинг аксарият давлатлари маҳрум. Ҳатто дунёнинг “энг ривожланган” мамлакатлари ҳам молиявий инқироз туфайли ижтимоий дастурларни қисқартиришга мажбур бўлаяпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, айни пайтда **дунё аҳолисининг 800 миллиони саводсиздир. Қарийб 250 миллион нафар бола эса мактабга бориш бахтидан мосуво.** Салкам бир миллиардга яқин кишиларнинг аксари саводсиз ёшлар эканини тасаввур қилсак, кўз ўнгимизда дунё ҳамжамияти олдида турган муаммонинг кўлами яққол намоён бўлади.

Африка, Осиё ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида бошланғич таълим тизими тўла шакллантирилмагани минтақаларда юзага келаётган муаммоларга бош сабаб бўлмоқда. Хусусан, Нигерияда аҳолининг 84 фоиздан ортиғи на ўқишни билади ва на ёзишни. Бенин, Гамбия, Сенегал ва Эфиопияда шу кўрсаткич 63 фоизни ташкил этаётир.

Таҳлилчи-экспертлар жануби-шарқий Осиёнинг йирик мамлакатларидан бири — Ҳиндистонда аҳолининг 40 фоиздан зиёди саводсиз эканига эътибор қаратмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, саводсизларнинг деярли барчаси қашшоқ қатлам вакилларидир. Шу билан бирга туғилишнинг кўплиги боис болаларни таълим тизимига тўлиқ жалб этишнинг имкони йўқлигидан далолат беради.

Келажак ёшлар қўлида эканини ва уни бундай қашшоқ ва илмсиз болалар билан қуриб бўлмаслигини Ҳиндистон ҳукумати яхши тушунади, албатта. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий дастурларда бу масалага алоҳида ўрин берилмоқда. Хусусан, мамлакатда қашшоқликка қарши кураш ва болалар меҳнатини тартибга солишга жиддий эътибор қаратилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Шу ўринда океан ортидаги айрим мамлакатлар аҳволига ҳам ҳавас қилиб бўлмаслигини тан олиш керак. Жумладан, АҚШнинг 32 миллиондан ортиқ фуқароси на ўқишни ва на ёзишни билади. Мамлакат таълим департаменти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жамиятнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган америкаликларнинг 14 фоизи ўқиш ва ёзишнинг асосий кўникмаларидан бехабар бўлиб, улар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Айрим манбаларда улар ҳатто оддий сўровномани ҳам тўлдира олмасликлари айтилмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, саводсиз америкаликларнинг катта қисми ҳиндулар ва Аляска туб аҳолиси вакилларидир.

Еврокомиссия ҳисоботига кўра, ҳозирги кунда Европа давлатларидаги ўқувчиларнинг 25 фоизи ўқиш ва ёзишда жиддий қийинчиликларга дуч келади. 2000 йилда бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил этган эди. Мутасаддилар вазиятни ўнглаш учун таълим тизимига жиддий иқтисодий сармоялар киритилиши керак, деб ҳисобламоқдалар. Аммо маориф вакиллари бола тарбияси уни назорат қилишни миллиардлаб маблағ билан эмас, балки, энг аввало, оиладан бошлаш ва ўз навбатида мактаб ва оила ўртасида мунтазам алоқа ўрнатиш лозимлигини таъкидлашяпти.

Жаҳонга кўплаб истеъдодларни тақдим этган Буюк Британияда аксар бошланғич мактаб битирувчилари ёзиш ва ўқишдан деярли бехабар экани аниқланганига ҳам ақл бовор қилмайди. Муаммо айниқса муҳтож оилаларда кўзга ташланяпти. Мамлакатнинг ижтимоий соҳага сарфлаётган харажатларни қисқартириш борасидаги сиёсати натижасида болалар ҳатто кутубхонага бориб, бепул китоб олиш имконидан ҳам маҳрумдирлар. Бошланғич таълимни тугатган ҳар тўртинчи боланинг саводи паст, ҳар бешинчи бола эса умуман саводсиз. Ҳар учинчи боланинг бирорта шахсий китоби йўқ. Лекин қизиқки, болаларнинг 85 фоизида компьютерлар мавжуд. Мазкур минтақада ёшлар орасида ичкиликка ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар сони тобора ошиб бораётир. 2007 йилдан бошлаб Буюк Британияда алкоголли (спиртли) ичимликлардан кўриладиган зарар йилига 20 миллиард фунт-стерлингдан ошди. Соғлиқни сақлаш хизмати маълумотларига кўра, Англияда ичкилик боис йилига 1 миллион 200 мингта зўрлаш ҳодисаси содир бўлади. Буюк Британияда ичкиликбозлик йилига 22 минг кишининг ўлимига, 150 минг кишининг хасталикдан ёки кўнгилсиз воқеадан касалхонага тушишига сабаб бўлмоқда.

Ҳатто Евроиттифоқнинг иқтисодий локомотиви, дея таърифланаётган Германияда ҳам саводсизлар сони 7,5 миллион нафарга етгани тадқиқотчиларни ажаблантирмоқда. Бир қарашда бунга ишониш қийин. Аммо муаммо фақат саводсизлик даражасида эмас, балки маънавиятнинг сустлашаётганида ҳамдир. Шу боис мамлакат парламенти депутатлари мактабни нафақат таълим, балки унинг кейинги босқичларини тарбия масканига айлантириш учун ҳам таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва аҳилликни шакллантириш, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга чақирмоқдалар.

Яна бир фикр: кейинги пайтда эълон қилинаётган маълумотларга қараганда, дунёда ёшларнинг ҳар саккиз нафаридан биттаси ишсиздир. Жаҳон аҳолисининг тахминан ярми кам даромадли ишда меҳнат қилиб, камбағаллик остонасидан ўта олмаяпти. Иқтисодий инқироз асоратлари тўлиқ ўтиб кетмаган ҳозирги пайтда ёшлар орасида ўз касбининг мукаммал эгаси бўлган мутахассислар етишмовчилиги катта йўқотишларга олиб келаётир. Таниқли илм-маърифат намояндалари эса ёшлар муносиб иш топиши учун уларга бошланғич ва ўрта мактабда сифатли таълим бериш шартлигини, бусиз вазият ўзгармаслигини таъкидламоқдалар. Аммо бу ҳам яқин йиллар ичида амалга ошиши амри маҳол бўлган масаладир.

Ана шундай бир шароитда Бутунжаҳон саводхонлик жамғармаси 2015 йилгача умумий бошланғич таълимни таъминлаш учун йилига қўшимча 16 миллиард АҚШ доллари талаб этилиши тўғрисида бонг ура бошлади. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида билим беришни қоплашга эса яна 8 миллиард доллар миқдорида маблағ лозим. Мутахассисларнинг фикрича, малакали ишчи кучидан энг кўп манфаатдор бўлган хусусий сектор вакилларини айнан бошланғич таълимни ривожлантиришга жалб этиш яхши самара бериши мумкин. Лекин хусусий секторнинг ёрдами кўпинча давлат таълим соҳасининг устувор йўналишларига эмас, балки корхоналарнинг бизнес фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи олий таълим соҳасига қаратилмоқда. Бу эса ҳозирча ўзини оқламаяпти. Яна бир ачинарли факт. Бугунги кунда бир дақиқада дунёда 25-30 нафар бола очликдан ўлаётган ёки касалликдан вафот этаётган бир пайтда ана шу бир дақиқа ичида 3,7 миллион доллар маблағ ҳарбий мақсадларга сарфланмоқда. Экологик муаммоларни ҳал этишга 50 миллиард доллар, ОИТСга қарши курашга 21 миллиард, очлик ва қашшоқликни тугатишга 15 миллиард, дунё аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга 10 миллиард, озон қатлами емирилишининг олдини олишга 5 миллиард доллардан маблағ зарурлиги инобатга олинса, инсоният дуч келаётган муаммолар гирдобининг миқёсини ҳис этиш мумкин.

Дунёнинг бошқа давлатлари билан таққослаганда Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камолга етиши, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариши, касб эгаллаши, қалбида юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим-тарбия соҳасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ёшларнинг нафақат билим олиши, балки уларнинг маънан етуклигига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш керак.

Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг нафақат қиёфаси, балки улардаги шарт-шароит, моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланди. Таълим сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим эгаллашлари, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда муносиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишларида муҳим омил бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, глобаллашув жараёнлари давом этаётган бугунги кунда даврнинг ўзи ҳар томонлама етук, саводли, билимли ва энг муҳими, маънан баркамол ёшларга эҳтиёж сезмоқда. Чунки ҳар бир мамлакатнинг эртанги кунини ана шу жараёнларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

**Абдували САЙБНАЗАРОВ**

Reklama

## «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

**масъулияти чекланган жамияти 2013 йил 20 декабрь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 95-уйда жойлашган Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги 2003 йилда и\ч, д\р 01/979 ХВА ва 01/277 ЕВА бўлган иккита «Нексия», ҳар бирининг бошланғич нархи 15 .116 000 сўмдан; 2003 йилда и\ч, д\р 01/315 КСА, бошланғич нархи 9. 115 000 сўм бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситалари қўйилади. Аукцион савдолари соат 10.00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар – давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар – паспорт тақдим этадилар.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: *Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:* **(+998 93) 399-81-19, 388-69-96.**

Электрон почта: **tkos-mail@inbox.ru**

**Гувоҳнома №005414-05**

Олтин давр

# Етти йўлак



**Талаба... Шу биргина калом туфайли ҳаётнинг ёрқин лаҳзаларига ошно тутинасан, кўнглинг тоғдек юксалади, юрагинг ҳапқиради. "Бу жўшқин давр тугамаса эди", деган сўзлар дилингдан ўтади.**

Талабаликнинг ҳам тору кенг кўчалари, озорли, ҳузурбахш лаҳзалари, борингки, интиҳоси бор. У ҳар кимга ҳам насиб этмаслиги билан қадрли, азиз. Олис-яқиндан азим пойтахтга келиб талабалик гаштини сураётган азизларим, сизнинг бу давр умр саҳифаларингиз нималар билан тўлаётир? Неларга улгуряпсиз-у, қайсиларига йўқ. Ҳамма ўқишу изланиш билан андармон бўлган бу фаслнинг қай жиҳатларидан кўнглингиз тўлмаяпти? Умуман толиби илмлар дунёсида ўрнингиз қандай? Саволларимизга бирин-кетин жавоб топаяпсиз, кўз олдингиздан барчаси ўтяпти, шундайми? Келинг, яхшиси янада батафсилроқ сўзлашамиз. Агар айтганларимиз сизга фойда келтирса, ишонаверинг, беҳад шод бўламиз.

### ИЛК ЙЎЛАК: МАҚСАД+ҲАРАКАТ=НАТИЖА

Сиз талаба бўлдингиз. Энди ҳаётингиз бироз бошқача, ўзгаргандек. Аслида эса сизнинг ўқиш ва билим олиш борасидаги поғонангиз (жумладан, ўзингизга нисбатан масъулият юки) ошди. Дунёқарашингиз сарҳадлари кенгайди, ҳаётга, янгиликларга қизиқишингиз кучайди. Катталар олдида энди бемалолроқ сўзлаш, тенгдошлар билан тенг муносабатга киришиш, дарсларда эркин фикр билдириш, изоҳ қўшиш мумкин. Юқорида санаганларимизнинг деярли барчаси ягона мақсадингиз йўлига келиб туташади. Ҳаёт тарзингизни шу мақсад асосига қура бошлайсиз. Унутманг, мақсадсиз талаба гўё дарахти йўқ боғ. Мақсаднинг-да энг олийси, шу юртга сидқидилдан хизмат қилиш, унинг корига яраш, муносиб фарзанд бўлиш. Ушбу сўқмоқ сизни кейинги йўлакка элтиши муқаррар, бусиз йўлингизда адашишингиз тайин.

### ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР, ҚАТРА-ҚАТРА ЙИҒИЛИБ ДАРЁ БЎЛУР

Шу кунгача мактаб ва бошқа ўқув даргоҳларидан олган билимларингиз энди асқотиши табиий. Сиз бу кунгача хотирани пешлаш, кўплаб китоблар ўқиш, хатосиз ёзиш каби масалаларни ҳал этгансиз. Олий таълим муассасаси эса танлаган соҳангизни пухта эгаллаш учун зарурий билимларни беради. Ғайрат-шижоат ила илк босқичданоқ уларни эгаллашга киришсангиз нур устига аъло нур. Айтганча, ён дафтар тутишни унутманг. Ахир рақам ҳамда саналар билан боғлиқ барча маълумотларни эслаб қолиш мушкул. Билим боғининг боғбонлари бўлмиш устозларга суяниб, билмаганларингизни ийманмай сўрасангиз ўзингизга фойда. Билим сўқмоқларида толиқиб қолдингизми? Сал наридаги бекатни кўрдингизми? Шу ерда бироз тин олинг. Бу ҳордиқ чиқариш бекати. Лекин огоҳ бўлинг, унда тўпланганлар дарсга кечикувчи, уз-о-оқ ухлайдиган талабалар. Улар сафида бўлиб қолманг тағин. Йўқса, охирги манзилгача боришингиз гумон. Талаба бўлдим, деб мияни ҳадеб зўриқтириш ҳам ярамайди. Хушкайфият, дўстлар даврасидаги суҳбатлар, бир шингил латифаю, ёддан чиқмас ҳазиллар ҳам сизга ҳамроҳ бўлсин. Вақтида овқатланиб, вақтида ухлаб, телеэкран қаршисига михланмасдан топшириқларни вақтида бажарсангиз, ҳордиқ чиқариш бекатидан осонгина транспортга чиқишингиз мумкин. Қани энди, учинчи йўлак сари олға.

### СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

— Талабалардаги эътиборсизлик, овқатланиш тартибининг бузилиши ва турли зўриқишлар ошқозон ярасини келтириб чиқаради. Ўз вақтида овқатланилмаса бора-бора ошқозон шиллиқ қавати емирила бошлайди, — дея огоҳлантиради тиббиёт фанлари номзоди, терапевт шифокор Нигора Турсунова. — Айниқса, кўпгина талабалар севиб истеъмол қиладиган фаст фуд(fast food), қовурилган картошканинг ошқозонга зиёни катта. Газли ичимликларни мунтазам ичиш эса бу жараённи баттар ёмонлаштиради. Оч қорин мияни озиқлантирмай қўяди. Бундай пайтда ҳеч қачон ўқитувчининг маърузаси қулоққа кирмайди, мадорсизланиш, эснаш ҳолати юз беради. Бундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, куннинг биринчи ярмида овқатланишга жиддий аҳамият бериш керак. Талабалар асосан бўтқа, тухум, қайнатма шўрва, турли сабзавотлардан тайёрланган таомларни меъёрида ва вақтида истеъмол қилишса, соғликларига янада эътиборлироқ бўлишса, соғлом турмуш тарзига амал қилишса, ижобий самара кўради.

Ошқозонингизни зинҳор "хафа" қилмасангиз, кўпгина касалликларнинг бош сабабчиси бўлган асаббузарликка йўл қўймасангиз, талабаликнинг ҳар онини хушнуд ўтказа оласиз. Келишдикми? Қаранг, тўртинчи йўлак кўринди.

### КУТУБХОНАДА

Билимимизни кутубхонасиз бойита олмаймиз. Ишни адабиётларнинг асосийларидан бошлаган маъқул. Дарс вақтида домла олдида юзим шувут бўлмасин десангиз, диққат билан ўқинг. Оғзаки такрорланг, хоҳласангиз қўшиқ қилиб айтиб юринг. Айримлар китоб ўқиш вақтида конфет шимишни маслаҳат беришади. Майли, буни ҳам қўллаб кўринг, лекин энг муҳими, диққатингиз жам бўлсин. Зиё масканидан фойдаланиш маданиятини қай даражада билишингиз ҳам муҳим. Бу борада ЎзМУнинг биринчи босқич талабаси, Юлдуз Зоированинг мулоҳазаларига қулоқ тутайлик:

— Авваллари бадиий китобларни кўп мутолаа қилган бўлсам, ҳозирда мутахассислигимизга оид илмий китобларни ўқияпман. Асосан эрта тонгда китоб ўқисам мавзу хотирамда узоқроқ сақланади. Мавзу бўйича учраган факт ёки қизиқарли маълумотларни дафтарга ёзиб бораман. Кутубхона факультетдаги энг севимли масканим, десам адашмайман.

Китобларни бағримизга босганча кейинги йўлакка ўтсак ҳам бўлар. У анча кенг экан-а, қаранг!

### ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАР

Мустақилликнинг чексиз имкониятларидан бири биз талабалар учун хорижий тилларни мукаммал ўрганишдир. Бундан оқилона фойдаланганлар ютаяпти. Чет тилини ўрганиш учун қобилият, қизиқишнинг бўлиши биринчи галдаги масала. Аввало, қайси тилга меҳрингиз баланд ва уни қай даражада ўрганмоқчи эканингизни чамалаб кўринг. Бирма-бир сўзларни ёд олинг, энг оддийларидан бошланг. Орланиб тил билувчи, таржима қилиш санъатини яхшигина эгаллаган ўртоқларингиздан билмаганларингизни сўрашдан қочманг. Кўча-кўйда юрганингизда ҳам олдиндан тайёрланган диалог, қўшиқ, шеърларни тинглаб такрорлаб юринг. Хонангизга ўзига хос эслатмалар қўйиб чиқиш ҳам яхши натижа беради. Масалан, шкафни очяпсиз унинг устига "wardrobe" — деб ёзиб қўйинг, музлатгич устида "fridge" — деган ёзув бўлсин. Тилни ўрта даражада мустақил ўргангангиздан кейин уни мустаҳкамлаш учун махсус курсларга борган маъқул. Шу тил бўйича ўтиладиган фанни бешга топширмасангиз кейинги йўлак сиз учун ёпиқ. Тўғри, гап баҳода эмас, бироқ сизнинг ҳаракатингиз натижаси аъло баҳо эмасми? Энди гапни ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси Аброр Убайдуллаевдан эшитсак:

— Тил ўрганиш ҳозирда нафақат талабалар, балки ҳамма учун муҳим. Ёшлигимдан инглиз тили билан шуғулланиб келаман. Шунингдек, бу тилдан таржималар қиламан, соҳамга доир чет эл материаллари билан танишаман. Айнан америка ёзувчилари публицистикасига қизиққаним боис шу мавзуга доир битирув малакавий ишим устида ишлаяпман. Умуман олганда, тил билганим менинг асосий ютуқларимдан бири.

### АСАЛНИНГ ҲАМ ОЗИ ШИРИН

Ҳаётимизни техника воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Ишимизни енгиллатадиган ҳам (вақтимизни беҳудага совурадиган ҳам) шу техника-да. Телефонга қул бўлиш даражасигача борган, ҳатто дарс вақтида "одно"да бўлиб, оралиқ назорат ишларининг жавобларини интернетдан топиб "ишини битирадиганлар" борлиги кўнгилни хира қилади. Улар учун вақтнинг, билим олишнинг қадри айни пайтда билинмас. Бироқ кейин эса кеч бўлиши ачинарли. Кўпчилик мустақил ишлар бўйича маълумотларни ҳам интернетдан қидиради. Деярли бир хил мустақил ишларнинг домла қўлига келиб тушишига ҳозир ҳеч ким ҳайратланмай қўйди. Телефон орқали фақат яқинлар билан гаплашиб, муҳим масалаларни ҳал қилиб, интернетдан фақат адабиётлар, керакли маълумотлар қидирганга нима етсин. Шунда ҳаммасига улгурамиз-у, кейинги йўлакка ҳам эсон-омон етамиз.

Ўқув йили бўйича мавжуд нимаики яхши танлов бўлса омадингизни синаб кўринг, совринларингизнинг кўпайиши ота-онангизни ҳам хурсанд қилади. Туғилган куну байрамларда яқинларингиз ҳолидан хабар олишни ёддан чиқарманг. Унутманг, улар сизнинг кўнглингизга яқин ғамхўрларингиз. Улар билан доимо мулоқотда бўлсангиз, ушбу йўлакларнинг барчаси сизга гўзал кўринади, мафтункор йўлаклардан чексиз ғайратлар ила ўтамиз. Бу йўлакларнинг ҳаммаси улкан дарёга туташ. Бу йўлда ажойиб бир шиорга кўзингиз тушади, у барча яхши талабалар дилидаги гапнинг ўзгинаси: **"Озод ва обод ватанга сидқидилдан хизмат қиламиз".**

Келинг, азизлар, мана шу шиор остида бирлашиб, маърифатли инсон бўлайлик. Жонимизга жон қадар яқин, қон томиримизга сингиган элнинг меҳр чашмаларидан баҳраманд бўлайлик, юрагимиз уни деб урсин, жисму жонимиз доимо Ўзбекистоннинг хизматига шай турсин.

**Маъмура ЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Билмаганни билган яхши

# НЕЧАНЧИ ДАРАЖАЛИ МЕРОСХЎРСИЗ?

*Яқинда маҳалламизда бир отахон вафот этди. У ўғли бўлмагани учун укасининг фарзандини асраб олган экан. Ҳозир марҳумнинг икки нафар қизи ва хотини бир тараф бўлиб, асраб олинган ўғил билан мерос талашишмоқда. Афсуски, отахон мол-мулкини ҳеч кимга мерос қилиб қолдирмаган. Маросимлар ўтгач, яқинлари орасида мерос талаш бўлиб, "отага мен қарадим, сен ёрдам берганинг йўқ" мазмунида ўзаро келишмовчиликлар кучая бошлади. Жамоатчилик уларга кўмак бериш мақсадида юзага келган муаммони қонун йўли билан ҳал этишни маслаҳат берди.*

*Айтингчи, қонунда меросхўрлар кетма-кетлиги бўйича тақсимот қандай амалга оширилади? Улар муаммони низосиз ҳал этишлари учун кимга ва қаерга мурожаат қилишлари керак?*

У. Неъматиллаев
*Самарқанд шаҳри.*

Афсуски, кўпчилик мавжуд ҳуқуқий нормаларни билмагани учун бундай муаммоларга тез-тез дуч келишади. Бу ҳолатда мерос қонунда белгиланган тартиб бўйича фарзандлар орасида тенг миқдорда тақсимланади. Мерос ҳуқуқига эгалик қилиш учун улар мулк жойлашган тумандаги нотариал идорага "Ворислик ҳуқуқини беришингизни сўрайман" мазмунидаги ёзма ариза билан мурожаат қилиб, унда барча меросхўрларнинг исм-шарифлари кўрсатилиши шарт.

Фуқаролик кодексининг 1135-1139-моддаларида келтирилишича меросхўрликка даъво қилиши мумкин бўлган меросхўрлар кетма-кетлигининг бешта даражаси мавжуд. Унга кўра мерос олиш тартиби қуйидагича белгиланган:

**Биринчи даражали меросхўрлар** — мерос қолдирувчининг фарзандлари, шунингдек фарзандликка олинганлар, хотини (эри), унинг вафотидан сўнг дунёга келган болалари;

**Иккинчи даражали меросхўрлар** — туғишган опа-сингил, ака-укалар, шунингдек ота (она) бир, она (ота) бир бўлган ака-укалар, опа-сингил, ота ва она тарафидан бобо, бувиси;

**Учинчи даражали меросхўрлар** — туғишган амаки, хола, амма, тоға;

**Тўртинчи даражали меросхўрлар** — бобосининг отаси, яъни катта бобо ва буви;

**Бешинчи даражали меросхўрлар** — мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар (фарзандлари, қариндошларидан бири) бўлиши мумкин.

**Саволга Самарқанд шаҳар 1-сон ДНИ нотариуси Л.БАЗАРОВА жавоб берди.**

Мулоҳаза

# Иллатли шовқинлар

**Ушбу мақолани ёзишимга яқинда ўзим гувоҳ бўлган бир ҳодиса туртки бўлди. Шаҳримиздаги тўйхоналардан бирида ажойиб никоҳ тўйи бўлиб ўтмоқда эди. Тантана сабабчилари гарчи келин-куёв ҳисобланса-да, унда хизмат қилаётган хонандалар — «юлдуз» ва «юлдузча»лар аллақачон бош қаҳрамонга айланиб улгуришганди. Микрофон ғалағовуридан қулоқлар қоматга келган, меҳмонлар бир-бирининг овозларини умуман эшитмас, гап-гапга қовушмасди. Мустақил ҳаёт остонасига илк қадам қўяётган, бахтдан гул-гул очилиб турган ёшларни қутлаш, уларнинг қувончига шерик бўлиш учун келганларнинг аксарияти бесаранжом, баъзилари эса столга тортилган таомлару егуликларни ейиш ва ичиш билан банд эди.**

Шовқин эса кучайгандан кучайиб борар, ҳалигидан «қиттак-қиттак» олган баъзи ёш-яланглар бундан илҳомланиб, хонандаю раққосаларга «қистир-қистир»ни бошлаб юборишди. Қўшиқ куйлаётган хонандалар ҳам янада жўшиб, шовқин-сурон баттар авжига чиқди. Давра аҳлининг ҳолатини ҳис этгани ҳолда минг истиҳола билан микрофоннинг овозини пасайтиришни илтимос қилган тўй соҳибининг гапи ҳам хонандаларга ўтмади. Микрофонни пасайтиришнинг иложи йўқ эмиш.

— Бироз тоби йўқлигига қарамасдан опам поччам билан Андижондай жойдан Тошкентга синглимизнинг тўйига келишганди, — дейди бир ҳамкасбимиз. — Буни қарангки, тўй бошланганидан ҳеч қанча вақт ўтмай, йўлдан бироз толиқиб келган, қолаверса, бундай шовқин-суронлан силласи қуриган опамнинг ранги оқариб, ҳушидан кетиб қолса бўладими. Хайриятки, дарров «тез ёрдам» чақириб, югур-югур билан унинг ҳаётини сақлаб қолдик. Сал бўлмаса, бировнинг тўйи азага айланиши ҳеч гап эмасди...

Эътироф этиш керак, турли-туман шовқинлар бугунги кунда инсонларнинг соғлигига, айниқса, асаб тизимига жиддий хавф туғдирмоқда. Қулоқнинг оғирлашиши эндиликда нафақат кекса кишилар, балки ёшлар, ҳатто болаларнинг ҳам жиддий муаммосига айланди. Хусусан, Гарвард (АҚШ) олий мактаби мутахассислари томонидан 12-19 ёшдаги 4 минг нафардан зиёд бола орасида олиб борилган тадқиқот натижалари юқоридаги фикримизнинг яққол тасдиғидир. Аниқланишича, улардан 17 фоизининг эшитиш қобилияти паст. Немис отоларингологлар уюшмаси маълумотларига кўра эса, мамлакатдаги 16-20 ёшдаги йигит-қизларнинг 20 фоизида ички қулоқ фаолиятида айрим нуқсонлар мавжуд. Австралиялик экспертларнинг ҳам хавотири асосли: улар мамлакат аҳолисининг ҳар учовидан иккисининг қулоғи яхши эшитмайди, деб ҳисобламоқда. Қолаверса, 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган инсонларнинг етмиш фоизи қулоқ шанғиллаши ва доимий шовқиндан шикоят қилишмоқда. Шифокорларнинг фикрича, бундай ҳолат охир-оқибатда бутунлай қулоқ карлигига олиб келади.

Хўш, нима учун кишиларнинг эшитиш қобилияти айни навқирон пайтиданоқ ёмонлашади? Албатта, бунинг бир неча сабаблари бор. Бунга ёшларнинг ҳаддан зиёд баланд овозда мусиқа тинглашаётгани асосий сабабдир, деб таъкидлашмоқда шифокорлар. Айтайлик, тунги клубга ёки тўй-базмга борганда овоз кучининг бир неча баробар ортиши туфайли (шовқиннинг кундузги меъёр даражаси 55 децибел, аммо тўй ва дискотекаларда овоз кучи 120, ҳатто баъзан 140 децибелга етади) қулоқ бир мартадаёқ шикастланиши мумкин.



Кўзимиз ўрганиб қолган, аммо ҳеч ким бу ҳақда жиддий бош қотирмаётган яна бир ҳолатга диққатингизни тортмоқчиман. Бугун хоҳлаган жамоат транспортига чиқасизми ёки кўча-кўйда юрасизми, ёш-яланглар, баъзан ҳатто катта ёшдаги инсонларнинг теварак-атроф, ташқи дунёдан бутунлай узилган ҳолда қулоқларига қулоқбанд (наушник) таққанча куй-қўшиқларни «мириқиб» тинглаб кетаётганини кўрасиз. Очиғи, бундай ёшлар куй-қўшиқ сеҳрига шунчалик маҳлиё бўлиб кетганки, ҳатто ёнларига келган кекса кишиларга жой беришни ҳам хаёлларига келтиришмайди. Майли, жой бериш ёки бермасликни уларнинг виждонига ҳавола дейлик. Аммо энг қиммат, керак бўлса, бебаҳо саналган соғлиқлари-чи? Эҳтимол, ёшлик пайтида ҳали бунинг таъсири сезилмас, аммо вақт ўтиб, кунда-кунора плеер-наушникларидан янграган бу шовқин-суронлар қулоқни кар қилиши ёки асабларни бутунлай ишдан чиқариши турган гап-ку.

Соҳа ходимларининг эътирофича, аксарият ёшлар ташқи шовқинларни эшитмаслик мақсадида, айниқса, жамоат транспортида плеерни бор овозда қўядилар. Бунинг натижасида қулоқнинг ноғора пардасига тахминан 100 децибел қувватдаги овоз узлуксиз урилиб туради. Хўш, қулоқни батанг қиладиган бундай кучли овозни мунтазам равишда ҳар куни кун бўйи тинглашнинг оқибатини бир тасаввур қилинг. Натижа эса аянчли: мусиқага шайдо бундай ўсмирларнинг аксарияти йигирма ёшдан ошгач, юқори пардадаги овозларни умуман фарқлай олмай қолмоқда. Шу боис, ҳатто яқиндан бери хорижда «айпод авлоди» деган ибора ҳам пайдо бўлди. Ихчам плеерларни чўнтакда бемалол олиб юришнинг «фойдаси» туфайли қулоқлари оғирлашиб, ҳатто бутунлай кар бўлиб қолаётган одамларнинг сони геометрик прогрессия билан кўпайиб бормоқда, десак муболаға қилмаймиз.

Азиз ёшлар, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уяли телефонлар ва плеерлардан янграётган куй-қўшиқлар сизга ҳозирча умуман беозор ва безарар туюлиши мумкин. Унутманг, у кейинчалик эшитиш аъзоларингизни ишдан чиқариши мумкин. Плеерни кунига бир соатдан ортиқ тинглаш, қолаверса, унинг овоз қувватини 80 фоиздан ошириш, албатта, қулоқ пардаларига жиддий зарар етказади. Иложи борича, қулоқбанд (наушник)лардан бутунлай воз кечишга ҳаракат қилинг. Шунда сиз қулоғингизни, асабларингизни, энг асосийси, саломатлигингизни асраб қоласиз.

**А.АБДУЛЛАЕВ**

Буюклар муҳаббати

# Саида опа эккан оқ гул

**Адабиётимиз ва маданиятимизнинг атоқли вакилларидан Ойбек, Собир Абдулла, Саиджон Калонов, Тўхтасин Жалилов каби кўплаб ижодкорлар бир пайтлар Юнусобод туманидаги Янгиариқ маҳалласида истиқомат қилганини яхши биламиз. Янгиариқликлар шулар қаторида Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг номларини ҳам фахр билан тилга олишади. Афсус, Саида опа узоқ яшамади. Саид Аҳмад ака эса қолган умрини суюкли ёрининг хотираси билан ўтказди.**



Иbратли оила. Нотинч замонларда етарлича зулм кўрган хонадон. Асари аёвсиз "дўппосланган" Саид Аҳмад ҳали ўзига келмаган. Саида Зуннунова эса навбатда турибди...

Одатда бундай вазиятларда ҳар ким ўзини оқлашга ҳаракат қилади. Устоз Саид Аҳмад эса андиша қилибми, бировлар билан баҳсга киришишни ўзига эп кўрмасди. Бошига балолар ёғилаётган пайтда ҳам осойишта кўринар, ҳатто ҳазилкашлик қилиб ўтирарди.

Саида опани кўрган ва билганлар уни ўзгача меҳр ва муҳаббат билан эслайдилар. Қалби пок, туйғулари мусаффо бир аёл. Ҳаммага меҳрибон! Лекин ноҳақликка чидолмасди. Ҳақиқат ва адолат туйғуси жон-жонида яшар эдида. Замондошларидан бири ёзади: "Саида опа қачондир, қаердадир исён кўтарган бўлса, ноҳақликка, қабоҳатга қарши исён кўтарганди!"

Эр-хотин меҳмондўст эдилар. Очиқ эшик, очиқ чеҳра, очиқ кўнгил... Айниқса, ёш ижодкорлар Янгиариқдаги ҳовлига кириб келишлари билан ташвишлар унутилар, хонадон завқ-шавққа тўларди.

Ўзида йўқ қувонган Саида опа дастурхон тузар, Саид Аҳмад эса ҳеч кимни ошхонага йўлатмасди, мен ўзим ош дамлаб бераман, деб. Етук инсонлар ва соҳиби қаламларнинг меҳмони бўлиб, меҳрибонларнинг меҳрини туйиб, ажойиб суҳбатлардан баҳра топган ёш ижодкорлар бу хонадондан ўзлари учун бир умрга унутилмас сабоқ олардилар.

Бир-бирини тушунган, бир-бирини тўлдирган ва ардоқлаган икки адиб...

Бахтли эдилармиʼ?

Кўп бора бу хонадоннинг меҳмони бўлган севимли адибимиз (Худо раҳматли) Омон Мухтор шундай деб эслаганди: "Мен уларнинг оддий бир ҳолатларда ҳам севиниб, ўзларини бахтли ҳис этишганини кузатганман".

Ҳа, буюк қалб эгалари бирга бўлсалар, оддий бир ҳолатларда ҳам худди ёш боладай севиниб кетардилар. Улар бахтиёр эдилар. Омон ака буни шундай ифода этганди: "Мен уларга разм солиб, бутун йўлиққан бахтсизликларга қарамай, уларни барибир, бахтли инсонлар, деб ўйлаганман".

Ёруғ кунлар олдинда эди. Аммо Саида опага бундай муборак дамларни кўриш насиб этмади. Меҳнати юксак қадрланган турмуш ўртоғининг саодатли онларига шерик бўлолмади.

Устоз адибимизнинг магнит лентасида ёзилган қуйидаги сўзлари қулоғимиз остида жаранглайди: "Бу кунларга етганимга кўп шукроналар айтаман... Менга халқ ёзувчиси деган унвон берилди. Давлат мукофоти совриндори деган унвон берилди. Ва ҳаётимдаги яна бир унутилмас воқеа — Мурунтов конидан қазиб олинган олтиндан юлдуз ясаб, менинг кўксимга тақиб қўйилди".

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида муаззам обида — Саид Аҳмад ва Саида Зуннуноваларнинг ҳайкали очилиши маросимида яна бир бор ўша сўзларни такрор эшитдим.

Кўнглимда ушбу ҳисларнинг уйғонгани шундан.

— Бу инсоннинг иродаси-ю, матонати, ўзбек аёлларининг вафо-ю, садоқатига қўйилган ҳайкал, — дейди уларнинг фарзанди Нодира Ҳусанхўжаева. — Дадамлар айтардилар: "Ўлиш осон, яшаш қийин. Тирик инсон ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўриши, қоронғу ва ёруғ кунларига гувоҳ бўлиши шарт. Метин иродали инсонгина барча мушкулотни енгиб муродига етиши мумкин. Мен "халқ душмани" эдим — Ўзбекистон халқ ёзувчиси бўлдим, қўлимга кишан солиб сургун қилдилар — Ўзбекистон Қаҳрамони бўлдим. Мен жуда бахтли инсонман, чунки шундай кунларга етиб келдим. Бу кунларни кўрганлар бор, кўрмаганлар бор..."

Таниқли адиб Тўлан Низом шундай хотирлайди: "Саид Аҳмад аканинг уйида Саида опа ўз қўли билан эккан бир туп оқ атиргул бор эди. Устоз билан шу оқ гул ёнидаги сўрида чой ичиб ўтирардик. Унинг хаёли негадир қочар, рўпарадаги оқ гулга узоқ термуларди. Охири сўрадим: "Устоз, шу гулга кўп термуласиз, жуда яхши кўрасиз-а, шу оқ гулни?" У жавоб қилди: "Бу Саида опангнинг руҳи — ўз қўли билан эккан оқ гул!"

Шоира Ойдин Ҳожиеванинг таъбирича, Саида опа ёзса муҳаббатдан ёниб ёзарди. У Саид Аҳмад аканинг муҳаббати, том маъносида илҳом манбаи эди. Опа омонат дунёни тарк этгач, суюкли рафиқаси бир пайтлар эккан оқ гулга термулганча умрининг охирига қадар садоқат қўшиғини куйлади.

Дарҳақиқат, адиб ва адибанинг меҳру садоқат, илҳом билан яратилган асарлари бугунги кунда ўзбек адабиётининг бўстонини безаб турибди. Миллий боғдаги хотира ёдгорлиги эса, шак-шубҳасиз, меҳр ва вафонинг ёрқин тимсолидир.

Саид Аҳмад ака ва Саида опанинг Янгиариқ маҳалласидаги файзли хонадони. Оқ атиргуллар билан бурканган бу хонадонни муҳаббат ва садоқат тутиб турар эди. Устознинг яқин шогирдларидан бири Омон Мухтор шундай деб хотирлаганди: "Саид Аҳмад билан Саида опага ҳаётда кам учрайдиган муҳаббат насиб этган эди".

**Муҳаммад ШОДИЙ**

Синоат

# Ожизнинг «кўзи»

**Бугунги кунда кўзи ожизлар тутиб юрадиган оқ ҳасса тарихини ҳамма ҳам билмаса керак. Англиялик Жеймс Бигс ёшлигида кўз нуридан жудо бўлса-да, фаол мустақил ҳаёт тарзини шакллантиришга ҳаракат қилади. 1921 йил бристоллик бу моҳир сураткаш ўз «ёрдамчиси» — ҳассасини оқ рангга бўяб олади ва бошқа кўзи ожизларга ҳам шуни маслаҳат беради. Орадан ўн йил ўтиб мазкур янгиликни Буюк Британияда кўзи ожизларга кўмаклашувчи ташкилотлар ва матбуот воситалари ҳамкорлигида оммалаштиришга киришилади. Францияда эса 1930 йилда Гвилли Д'ербемон хоним оқ ҳассани амалиётга жорий этиш ишларига бош-қош бўлади. Ёрқин рангдаги оқ ҳасса нафақат огоҳлантириш, балки кўзи ожиз инсон учун ташқи оламни ўрганишда ўта қулай восита эканини хоним жуда яхши англар эди.**



Биринчи жаҳон урушидан сўнг оқ ҳасса кенг миқёсда оммалашди. Зеро, кўришдан маҳрум бўлган юз минглаб аскарлар унинг ёрдамидан фойдалана бошлашди. Ўшанда омма орасида замонавий олифталар ва кўзи ожизлар тутаётган ҳассаларни фарқлаш қийин эди. Сабаби, ҳар икки тоифа учун чиқарилган ҳасса бир хил кўринишда бўлиб, кўзи ожизлар ҳассасининг огоҳлантирувчи белгиси мавжуд эмас эди. Бу эса уларнинг эркин ҳаракатига ноқулайлик туғдирарди. Бинобарин, ҳассада кўзга ташланиб турадиган бирор белги бўлиши, у кўриш имконияти чекланган инсонларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига ишора бериши керак эди. Кўзи ожизларнинг оқ ҳасса тутиши ва қора кўзойнак тақиши шунга ишора вазифасини ўтай бошлади. Энди одамлар қора кўзойнак таққан ва ҳассали кишиларни учратганларида ёнларида кўмакка муҳтож, кўзи ожиз инсон борлигини ҳис эта бошладилар. Шу ўринда бугунги кунга келиб ҳасса ва қора кўзойнак тасвири йўл ҳаракати белгилари қаторидан жой олганлигини ҳам айтиш лозим.

XX аср ўрталари кўзи ожизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишда алоҳида ўрин тутади. Бу вақтга келиб махсус иш услублари ишлаб чиқилади. Кўзи ожизларни қўллаб-қувватлашга турли оммавий тадбирлар амалга оширилади. Тегишли жамоат ташкилотларининг фаолияти, кўзи ожизлар ва уларнинг оиласи, яшаш тарзи, кўриш имконияти чекланган инсонлар орасидан чиққан машҳур шахслар ҳақида газета ва журналларда мақолалар ёритилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилади. Шунга қарамай, кўзи соғлом кишилар билан бу олам ва унинг ранг-баранг жилосини кўришдан мосуво инсонларнинг ўзаро муносабатларини яхшилаш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда.

"Оқ ҳасса" куни кўзи ожиз инсонларни шунчаки эслаш учун эмас, балки уларга амалий ёрдам бериш, мазкур табақага оид инсонлар ҳаётини енгиллаштириш мақсадида қабул қилинганини унутмаслик зарур. Ғарбий Европа ва Америкада соғлом кишилар орасида кўзини боғлаган ҳолда турли мусобақа ва турнирларда иштирок этиш характерли аҳамиятга эга. Бунда улар оқ ҳасса ёрдамида, ҳеч кимнинг кўмагисиз ишхонадан яқин бекатгача бора олишларини намойиш этишади. Юқоридаги каби синовлар бу гўзал оламнинг қадрига етиш, кўриш бахтидан мосуво одамларнинг аҳволини ҳис эта билиш, уларни тушунишга хизмат қилади.

Ушбу тадбирларда жамоатчилик кўзи ожизлар билан муносабатга киришиш йўл-йўриқлари билан таништирилиб, уларнинг муаммоларидан хабардор қилинади. Тажрибали йўриқчи ва реабилитологлар кўзи ожизларнинг қалбига озор етказмаган ҳолда уларга ёрдам таклиф этиш йўллари ҳақида жамоатчилик орасида тушунтириш ишлари олиб боришади.

"Бўрибосар" туркум романлар муаллифи россиялик Мария Семёнова кўзи ожизларнинг сезиш, идрок қилиш қобилиятларини жуда яхши англаган ҳолда шундай ёзади: "Инсонда кўриш қобилияти йўқолса-ю, аммо унинг яшашга, дунёни билишга қизиқиши ўлмаса, ундаги ушлаб кўриш, эшитиш каби бошқа сезгилар кучаяди. Кўзи ожиз тангани пайпаслаб кўриб, ундаги белгиларни айтиб бериши мумкин. Қайси кўзи очиқ буни эплай олади?! Хона деворига бироз қолганида, кўрмаса-да, ногирон унга урилиб кетмасдан тўхтайди. У балки қадам товушлари ўзгарганини эшитар!"

Дарҳақиқат, сезги органларидан бирининг фаолиятсизлиги ёки заифлиги бошқаларининг фаоллашувига сабаб бўлади. Шундай бўлса-да, қўшимча воситалар хизматидан фойдаланиш фойдадан холи эмас. Шу сабаб кўзи ожизларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишига имкон бераётган бетакрор ёрдамчи бўлмиш ҳассани кўплар "ожизнинг кўзи" деб ҳам аташади. Аслида кўзи ожиз учун у кўриш муаммосининг бор-йўғи бир қисминигина ҳал қилади.

Агар ногирон ўзига талабчан бўлиб, мустақил ҳаракат қилишни чин дилдан истаса, ҳассага ўрганиш осон кечади. Тажрибали қўлларда оқ ҳасса ўзига хос "овоз генератори"га айланади. Уй, девор, дарахт каби тўсиқлар учраганда ҳассадан эшитилаётган бир маромдаги овоз ўзгариб, улар ҳақида "маълумот беради". Шунингдек, асфальт ёки ғиштли йўлак, тупроқли ёхуд бетон йўллардан кетаётганда ҳасса турлича овоз чиқаради. Албатта, хавфсизлик учун бу овозларнинг фарқини ҳис қила билиш лозим. Пиёдалар йўлакчаларида кўзи ожизлар учун хатарли ҳисобланган канализация қопқоқлари, зина ёки тўсиқ кабилар учраганда, ҳасса ёрдамида улардан қийналмай ўтиш мумкин. Ҳассадан фойдаланиш тажрибаси шаклланганидан сўнг йўллардаги кўлмак сувлар чуқурлигини аниқлаш, музлаган йўллардан юриш қийин бўлмай қолади.

**Дилнавоз ХОЛИҚОВА тайёрлади.**

Reklama

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

## Ўзбекистон Республикаси ИИВ Капитал қурилиш бошқармаси

2014 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

**Лот-1.**
**«Бухоро вилоятидаги УЯ 64/25 ЖИЭК ҳудудида муҳандислик тармоқлари билан бирга иккита ётоқхона қурилиши»**
***Буюртмачининг бошланғич қиймати*** — 6 956 499 975 сўм (ҚҚС билан), 5 797 083 313 сўм (ҚҚСсиз).
***Қурилиш муддати*** — 19 ой.

**Лот-2.**
**«21-ЖИЭКни бошқатдан жойлаштириш. Колония»**
***Буюртмачининг бошланғич қиймати*** — 5 975 736 521 сўм (ҚҚС билан), 4 979 780 434 сўм (ҚҚСсиз).
***Қурилиш муддати*** — 18 ой.

**Лот-3.**
**«21-ЖИЭКни бошқатдан жойлаштириш. Ҳарбий шаҳарча»**
***Буюртмачининг бошланғич қиймати*** — 6 502 006 102 сўм (ҚҚС билан), 5 418 338 418 сўм (ҚҚСсиз).
***Қурилиш муддати*** — 21 ой.

***Қурилиш ишлари*** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

***Танлов савдоси ташкилотчиси*** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи:*** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Капитал қурилиш бошқармаси.

***Манзил:*** **Тошкент шаҳри, Усмон Носир 1-берк кўчаси, 9-уй. Телефон/факс: (8-371) 231-38-74, 232-25-47.**

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга, шунингдек, мудофаа объектларида бажариладиган ишларга махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

*Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:* **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: ***Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.***

**Фақат кичик бизнес субъектлари диққатига!**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Объект номи:
**ЛОТ-1**
**ЛОТ-1.2 «Фарғона вилояти Қува тумани Баҳор ҚФЙ Қайрағоч қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».**
*Бошланғич нархи* — 99 868 680 сўм (ҚҚСсиз), 119 842 420 сўм (ҚҚС билан);
*Муддати* — 30 кун.
*Манзил:* **Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй.**
**Тел:(373) 400-52-80.**

***Қурилиш-таъмирлаш ишлари:*** Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

*Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:* ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

*Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:* қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

*Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:*
***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй.***
***Телефон/факс: 8-373-244-55-32, +99898-276-25-48***

*Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, ***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй*** манзилида ўтказилади.

**Табиат ва инсон**

# «ЖОНЛИ БУРЧАК» МЎЪЖИЗАЛАРИ

***Дам олиш кунлари ёки турли байрамлар арафасида кўркам, роҳатижон истироҳат боғларига бормайдиган, у ерда кўнгилли ҳордиқ чиқаришни истамайдиганлар бўлмаса керак. Аслида бундай масканларни бунёд этишдан ҳам мақсад — аҳолини маданий дам олиши, болажонларнинг табиат билан ошнолигини таъминлаш.***











Навоий шаҳри марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам тубжойликлар-у, меҳмонларга оромбахш лаҳзаларни бахш этиб, уларнинг севимли жойларига айланиб улгурган. Агар боғга йўлингиз тушса, у ердан турфа ёшдаги мезбон, шаҳримиз меҳмонларининг кети узилмаслигини кўришингиз, ширинтойларнинг шодон қийқириқларию, кулгуларини эшитишингиз тайин.

Истироҳат боғидаги киши баҳри-дилини очувчи шарт-шароит билан бирга ундаги мўъжазгина ҳайвонот боғи ҳам ташриф буюрувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлаётир. Бу ерга жониворлар Америка, Ўрта Осиё ва Европадан, Африка ҳамда Австралия қуруқ чўлларидан олиб келиниб, парваришланади. Бундай хайрли ишга ҳайвонот боғи раҳбари Отамурод Барноев дастлаб 2011 йилда қўл урган эди. Ўшанда у банкдан 30 миллион миқдорида кредит олиб, ҳар йили ёввойи ва хонаки ҳайвонларни келтирган. Бугунга келиб уларнинг сони кўпайиб, жами 30 тага етказилди.

— Мана бу Ўрта Осиёда учрайдиган қора айиқнинг ёши ўнда. Маймоқжон бироз эътиборталаб, жиндак инжиқроқ ҳам. У мева-ю, сабзавотларни яхши кўради, — дейди боғ иш юритувчиси Рустам Ҳаитов. — Кўрганингиздек жониворларга, ҳайвонларга алоҳида эътибор билан қараймиз. Уларнинг соғломлиги учун доимий парвариш, озуқа ва албатта меҳр лозим. Агар улар яхши боқилса, вақтида озуқаси бериб борилса, ғамхўрлик қилинса, жонивор одамга тез ўрганади. Забонсиз бўлишса-да, буни уларнинг кўзларида, хатти-ҳаракатида яққол сезиш мумкин.

Боғдаги ҳайвонларнинг емиши, саломатлиги, уларнинг атроф-муҳитга таъсири, боқилаётган жойдаги гигиеник ҳолат барча-барчаси вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Навоий шаҳар давлат ветеринария бўлимининг доимий назоратида. Жонивор турган жой дизенфекция қилиниб, ўз вақтида эмлаб борилади. Инсон табиат билан муштарак. Ҳайвонот боғида ҳам одамлар турли туман қушлар, судралиб юрувчи жонзотларни кўриб, меҳри ортади, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатишади. Бўри, айиқ, чиябўри, қуён, маймун, кийик, тошбақа, жайра, тўрт шохли қўчқор, от, туя, чумолихўр ҳайвон, илон, балиқ, денгиз чўчқаси кабиларнинг яшаш тарзи, ўзини тутишини томоша қилиб асло зерикмайсиз. Паррандалардан ғоз, эму туяқуши, бургут, лочин, бойўғли, япон товуғи йил давомида 150 тагача тухум қўядиган курка, ўрдак, лайлак, балиқчи қушлар ҳам боғга файз киритиб, келган томошабинларни ҳайратлантирмоқда.

Боғга нафақат шаҳримиз аҳолиси, балки чекка туман ва қишлоқлардан ҳам юртдошларимиз келиб, дам олиб кетишади.

— Мен Нурота туманиданман. Шаҳарга ҳар гал келсак, фарзандларим билан боғни айланмай кетмаймиз, — дейди Салима Орзимуродова. — Етти яшар ўғлим Зоҳиджоннинг жониворларга меҳри баланд. Унга айниқса мана бу бўри боласи жуда ёқди. Жилвакор товуслар эса менинг эътиборимни тортди.

Боғда ўн бир нафар ишчи ходимлар ҳайвонлар парвариши билан банд. Жониворларнинг яшаши-ю озиқланиши учун яратилган шароит эътирофга лойиқ. Боғ раҳбари келажакда бу масканга келувчилар учун янада қулай муҳит ва имкониятларни яратиш мақсадида бинони қайта реконструкция қилиш режалаштирилаётганини айтиб ўтди. Бундан ташқари ҳайвонлар тури ҳамда сонини кўпайтириш, жумладан, илон ва маймунларнинг янги турларини, бўри, кенгуруларни олиб келишмоқчи экан. Бундан эса, аввало, кичкинтойлар мамнун бўлиб, шу тариқа уларда она табиатни эъзозлаш, асраш ҳисси тарбияланса не ажаб.

**Раъно РАББИМОВА**

# Сайланмадан саслар



*Ҳаётда ҳар бир нарсанинг зидди бор: масалан, кун ва тун, осмон ва ер, ўт билан сув ва ҳоказо. Инсонлар ҳам шундай. Уларнинг феъл-атвори, фикрлаши бир-бириданмутлақо бошқача. Икки қутб ўртасида доимо кураш кетади: гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона. Адолат ила қабоҳат жанги! Бадиий адабиёт, жумладан, ҳажвиёт, унинг ажралмас бир тури бўлмиш масал — ана шу курашнинг фаол аскари. У бутун борлиғи, қудрати билан яхшилик ва эзгуликни ҳимоялаб, салбий иллатларга беаёв зарба бериб келяпти. Адиб Ямин Қурбоннинг "Насаф" нашриётида чоп этилган 3 жилдли сайланмасида бу хилдаги салбий иллатлар турфа ҳажвий тимсоллар, салбий образлар орқали фош этилган.*

*Я.Қурбон фельетонларида бетдаги сўгал сингари нусхалар сурати кўпинча уларнинг ўз тиллари орқали чизилади. Бу чизгиларда нафси ўпқон порахўрлар, ақлидан жаҳли устун тўралар, ўз фойдасига йўрға ўзимбўлайлар, оламни сув босса ўрдакка не ғам қабилидаги танбаллар ва бошқа бир қанча ножўя қилиқ эгаларининг қиёфаларини кўрамиз.*

*Бирон боғ ҳақида эшитганингдан кўра, унинг меваларидан татинган маъқул. Келинг, таърифга нуқта қўяйлик-да, Ямин Қурбон кулги боғини бирров сайр этайлик.*

## Судья амаким билан виждон

Судья амаким ресторандан пишган қалампирдек қизариб чиқдилар. Зинадан туша туриб:

— Омад келса шу-да, — дедилар-у, силкиниб кулиб қўйдилар.

— Омадни ҳалолликдан изласангиз бўларди, ака! — Қаёқдандир ғазабнок товуш эшитилди. — Пулдор бир муттаҳамнинг қистирганига учиб, унинг жирканч айбини беркитиб кетмоқчисиз-а! Э, ҳайф!

— Кимсан?! Кимсан, — қичқирдилар судья амаким қалтираган ҳолда атрофларига аланглаб.

— Мен, виждонингиз.

— А, сенмидинг — дея кўзлари олайди, бурун катаклари кенгайди судья амакимнинг. — Хўш, нима истайсан?!

— Хуфия қилиқларингиз билан мени булғаманг! Истагим шу! Бас! Ё мени денг ё нафсингизни.

— Вой, тентаг-е, — хахолади судья амаким. — Оқар сувдан ташна киши юз ўгирармиди. Сени деб нафсимни чирқиратайми!

— А-ҳа, чучварани хом санаб юрган эканман-да, ҳимм.

Виждон этагини қоқди-ю, ғойиб бўлди. Судья амаким виждонсиз қолдилар.

## Эгасини топган ҳажв

*«Ҳурматли бош муҳаррир! Мен сизга айтсам, ўзлари раҳнамолик қилаётган газета бетлари шунақаям кўҳликки, баайни кўз оғриғи дориси, ўқиганнинг ичаги арғимчоқ учади. Гапнинг картини айтганда, сиздек уддабуррога тан бермаган хашакиларнинг бўйни узилсин, ҳа, бўйни!*

*Аммо кечирасиз, юзга айтганнинг заҳри йўқ, ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, газетангизда босилаётган баъзи бир мақолаларда нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Мана, масалан, «Кўзга тушган чўп» деб аталувчи ҳажвияни олайлик. Тўғриси, ҳажвиямас бу, ғирт масхарабозлик! Беихтиёр ўқиб қоларманми, аъзои баданимдан ўт чиқиб кетди! Ё алҳазар, одам қуриганмиди, келиб-келиб уйинг куйгур ҳажвиячи мени нишонга олмаса! Тасқара жумлалар қуйқасини шунақаям чаплаптики, асти қўяверасиз; азбарои жоним ҳиқилдоғимга тиқилиб кетганидан, дод девораёздим! Ахир мен сизга айтсам, шу ҳажвиядаги Мажобиров дегани менинг ўзим! Доғ қиладиган ери шетта-да! Адресим кўрсатилмапти, холос; исми-шарифим салгина бошқача аталибди. Билсам бўладими-а, бу кишини таҳқирлашнинг қанақа шакли?! Бундан кўра қулоқ-чаккамда шовла қайнатмайдими! Ғинг десам афтимга туфурмайдими! Манавини ўзингиз бир ўқинг-а:*

*«...Безгак хуруж қилобдими-а, биродари азизлар! Овора бўласиз, менинг томирим-чи, вей, катта-катта чинор томирларига туташ, ҳа! Қўпоролмайсиз! Ролларни яйратворадиган кадрлар тарқаб кетса, кетибди, нима, осмон узилиб ерга тушибдими; кетса ундан нари! Тил топишолмадилар... На чора, энди бир камим этакларига ёпишиб ёлборишим қолувмиди! Йўқ, унақаси кетмайди, биродари азизлар. Мана, уларсиз ҳам театру иши йўрғалопти. Шунга ота гўри қозихонами! Борига бозор! Қисқаи калом, театруга директор менми, мен! Менинг айтганим бўлиши шарт! Тамом, кетганларга мотам тутишга тоқат йўқ! Ким менинг рамкамдан ташқари чиқадиган бўлса, почакилашиб ўтирмасин, ёзсин аризасини, ручкамнинг сиёҳи мўл, шарт-шурт қўл қўйиб беравераман!..»*

*Бу гаплар сизга ёлғон, ўзимга чин, ахир меники, домлажон, меники! Мажлислардаги шахсий нутқимдан юлқилаб олишга ким рухсат берди ҳажвиячига?! Ўзингиз холисанилло айтинг-чи, артистлар билан ит-мушук бўлмаган театру директори ҳеч жаҳонда борми?! Фақат мен кўзга ола кўриндимми-а?! Билсангиз, театру директорлигининг азоби жинни қилворади кишини.*

*Беайб парвардигор, дейдилар. Кимда нуқсон йўқ дейсиз?! Тирноқ орасидан кир қидирувчигина нуқсонни кўради, нуқсонни ёзади. Ушбу ҳажвия эгаси ҳам ана шунақа дили чирк одам бўлиши керак. Хўш, бўлмаса, яхши тарафларим турганида нега арзимаган камчилигимни ёзади, нега ўзимдан бир оғиз сўрамайди?! Унинг бу ишини мен ўта қитмирлик деб биламан. Мен сизга айтсам, домлажон, одамларга бир гап тегмасин. Ҳамманинг оғзида мен. Шалоқ коскиларга худо берди!..*

*Кўнгилга оғир олмангу, ўзингиз бундай ўйланг, бутун бошли театру директорининг обрўйини биров газетангиз орқали кесак-бўрон қилса-ю, наҳотки сиз туршак шимиб ўтирсангиз! Кичкина одаммасмиз, ахир кимсан, шу теваракда кўзга кўринган казо-казоларнинг биримиз, яъни раҳбарлик лавозимидаги шахсмиз. Калака қилишга, қўл остимдагилар олдида эътиборсизлантиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Бўлмайди ҳам! Шунинг учун домлажон, сиздан илтимос мазкур ҳажвияни ёзган кимсага беланги бўларли жазо берсангиз. Акс ҳолда, палагим нозикроқ...*

*Салом ила, аламдийда: Амир Акобиров».*

Reklama



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

**Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**«КОНСТИТУЦИЯ-2013»**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

***Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин***

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Хизматлар лицензияланган**

**"Асака" банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Тошкент шаҳар Кадастр хизмати томонидан 2013 йил 18 октябрда "Қурилиш Полимер Сервис" МЧЖга берилган 6-415/2010 реестр рақами билан руйхатга олинган 5829-сонли форма-18 маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, фахрий журналист

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

**Телефонлар:** 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; **Тел-факс** 236-75-15
**Реклама ва маркетинг бўлими:**
**Тел:** 233-36-02.
**Топшириш вақти** — 20 00
**Топширилди** — 20 00

**Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон** — (+99891)-384-41-61.
**Бухоро** — (+99890)-557-40-17,
**Самарқанд** — 8-366-233-62-12,
**Сурхондарё** — (+99894)-262-25-33,

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.*

ISSN 2010-7528

9 772010 752002

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
**«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**

Навбатчи: Акмал Жумамуродов

Адади: 4345 Буюртма — J-8543 1 2 3 4 5